


ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА



МАЪРУЗА





CADP

DEMOKRATIK JARAYONLARNI TAHLIL QILISH MARKAZI
CENTER FOR ANALYSIS OF DEMOCRATIC PROCESSES

ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МАРКАЗИ

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

МАЪРУЗА

Тошкент – 2025

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари демократик ислоҳотларнинг муҳим иштирокчиси ва ижтимоий ҳамкори сифатида юқори аҳамият касб этмоқда.

Мазкур маърузада фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий ҳамда институционал базаси, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда давлат билан ҳамкорлик механизмлари, мамлакатнинг халқаро имижини кучайтиришдаги роли ёритилган.

Маърузанинг асосий мақсади – Ўзбекистонда кенг қамровли демократик ислоҳотлар натижасида шаклланган фуқаролик жамиятининг бугунги қиёфасини холис баҳолаш, эришилган ютуқлар, самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда замонавий чақириқларни чуқур таҳлил қилиш ва истиқболдаги стратегик йўналишларни белгилашдан иборат.

Ундаги таҳлил ва хулосалар давлат органлари, халқаро ҳамжамият ва кенг жамоатчиликка мамлакатдаги демократик ўзгаришларнинг бориши ҳақида яхлит тасаввур беришга хизмат қилади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ		7-8
I. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ХУҚУҚИЙ-ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ		9-44
1-§	Янги Ўзбекистоннинг конституциявий-хуқуқий асослари ва давлат сиёсатида фуқаролик жамиятининг устуворлиги	9-18
2-§	Фуқаролик жамиятининг асосий иштирокчилари (акторлари): нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳозирги ҳолати	19-40
3-§	Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими: хуқуқий кафолатлар, ташкилий ва молиявий механизмлар	41-44
II. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ – ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ҲАМКОРИ		45-77
1-§	Давлат дастурлари ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг иштироки	45-52
2-§	Оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик журналистикасининг (блогерлар) давлат органлари фаолияти шаффофлигини таъминлашдаги ўрни	53-56
3-§	Жамоатчилик назорати механизмлари	57-63
4-§	Ижтимоий буюртма, грант ва субсидиялар: давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги молиявий шериклик	64-73
5-§	Халқаро ва хорижий донорлар билан ҳамкорлик лойиҳалари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги	74-77
III. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ЯНГИ ҚИЁФАСИ: ҲАМКОРЛИК ВА НАТИЖАЛАР		78-87
1-§	Халқаро платформаларда Ўзбекистоннинг ижобий имижини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг ҳиссаси	78-83
2-§	Тизимли ислоҳотлар самарасининг халқаро индикаторлардаги ифодаси	84-87
IV. ЗАМОНАВИЙ ЧАҚИРИҚЛАР ВА СТРАТЕГИК ИСТИҚБОЛЛАР		88-95
1-§	Глобаллашув ва рақамли трансформация шароитида тизимли чақириқлар	88-90
2-§	Стратегик истиқболлар: ривожланишнинг янги модели	91-95
ХУЛОСА		96-97

КИРИШ

Янги Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишида туб **демократик ўзгаришлар** амалга оширилмоқда. **2016** йилдан бошланган кенг кўламли ислохотлар натижасида давлат ва жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатларда **сиёсий қарашлар** тубдан ўзгарди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш ғояси негизида **“Инсон қадрини учун”** ва **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”**¹ деган тамойиллар асосий мезон сифатида белгиланиб, барча бўғиндаги ислохотларнинг ўзагини ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Мамлакатнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнашига фақат кучли ва адолатли фуқаролик жамияти шароитида эришиш мумкин”².

Бугун эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш демократик ислохотларнинг етакчи йўналишларидан бирига айланди.

“Халқ билан мулоқот” ва очиқлик сиёсати натижасида аҳолининг долзарб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва гуманитар муаммоларини **тўғридан-тўғри ҳал этишга** қаратилган янги механизмлар жорий этилди.

Мазкур жараёнда фуқаролик жамияти институтлари халқнинг овозини давлат органларига етказувчи, муаммоларни адолатли ва холис ҳал қилишда кўмаклашувчи муҳим восита сифатида майдонга чиқди.

Сўнгги йилларда **соҳанинг мустақкам ҳуқуқий пойдевори яратилди**. **2023** йилда умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси** соҳа ривожига тарихий аҳамиятга эга бўлди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 й. <https://president.uz/uz/lists/view/1371>

² Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. - 1126.

Бу орқали, давлат фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини олий даражада кафолатлади.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тартибга солишга йўналтирилган **200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** амалда бўлиб, уларни рўйхатдан ўтказишдан тортиб, давлат билан ҳамкорлигига бўлган жараёнларни қамраб олади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини **давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг** замонавий, демократик институционал тизими шаклланди.

Мамлакатнинг ҳуқуқий тизимида **жамоатчилик назорати механизмларини** мустаҳкамлашга устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Эндиликда, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига ноқонуний аралashi ёки жамоатчилик назорати натижаларини кўриб чиқмаслиги учун аниқ жавобгарлик белгиланди. Бу эса **“халқпарвар давлат”** қуриш йўлидаги қатъий сиёсий ироданинг амалий ифодасидир.

Янги Ўзбекистондаги **очиқлик сиёсати фуқаролик жамиятининг фаоллашувига** кучли туртки берди. Мамлакатнинг **халқаро очиқлик рейтингларидаги ўрни** сезиларли даражада яхшиланди.

Жумладан, Ўзбекистон **“Charities Aid Foundation”³, “Transparency International”⁴, “The Economist Intelligence Unit”⁵** каби халқаро ва хорижий ташкилотларнинг индексларида йилдан-йилга **юқори поғонага кўтарилмоқда.**

Мазкур маърузада айнан шу жараёнларни, яъни фуқаролик жамиятининг ҳолати, унинг ривожланиш тенденциялари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиш механизмларини чуқур таҳлил қилиш орқали, **“Халқпарвар давлат”** ва **“Инсон қадрлари учун”** тамойилларининг амалий ифодаси очиб берилди.

³ <https://yuz.uz/en/news/uzbekistan-voshel-v-top-50-stran-gde-razvita-blagotvoritelnost>

⁴ <https://www.transparency.org/en/countries/uzbekistan#:~:text=OUR%20WORK%20IN-,UZBEKISTAN,-Select%20a%20different>

⁵ <https://www.tashkenttimes.uz/national/12495-uzbekistan-climbs-one-place-in-democracy-index-2023>

I. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ҲУҚУҚИЙ-ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

1-§. Янги Ўзбекистоннинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ва давлат сиёсатида фуқаролик жамиятининг устуворлиги

Сўнгги йилларда Ўзбекистон тараққиётида “инсон қадри” тамойили устувор аҳамият касб этиб, давлат ва жамият қурилишининг мустаҳкам конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди.

“Инсон–жамият–давлат” тамойилига асосланган ислохотлар, ўз навбатида, давлат сиёсатида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

Илгари устувор бўлган “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилидан янги босқичга ўтилди. Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари инсон манфаатларини таъминлашда давлатнинг тенг ҳуқуқли ва стратегик ҳамкори сифатида эътироф этилмоқда.

Бу ҳамкорлик уларнинг ривожланиши учун яратилган алоҳида ҳуқуқий асослар ва қарорлар қабул қилиш, тизимли давлат молиявий кўмаги ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол ижтимоий шерик сифатида иштирок этаётганида намоён бўлмоқда.



Фуқаролик жамияти институтлари мақомини мустаҳкамлашда **2023** йили умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция муҳим аҳамият касб этди. Унда илк бор **“Фуқаролик жамияти институтлари”⁶** деб номланган махсус **XIII бобнинг** киритилиши **тарихий воқелик** бўлди.

Мазкур бобнинг **69–75-моддалари** фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқлари, фаолиятининг асослари ва уларни ташкил этиш тартиб-таомилларини белгилаб берди.

Конституцияда фуқаролик жамияти институтлари тизими аниқ таснифланиб, уларга **жамоат бирлашмалари** ва **бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари** (маҳалла) ҳамда **оммавий ахборот воситалари** киритилди.

Шунингдек, Конституциянинг **115-моддасида** Ҳукуматга фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий шериклик дастурларидаги иштирокини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Таъкидлаш жоиз, Конституцияда фуқаролик жамиятининг таянч институтлари бўлган **жамоат бирлашмаларининг** ҳуқуқий мақоми ва роли сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Хусусан, **XIII бобда** уларнинг кенг қамровли экани эътироф этилиб, унга касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, хотин-қизлар, фахрийлар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва олимлар жамиятлари, ижодий уюшмалар ҳамда фуқароларнинг бошқа бирлашмалари киритилиши қайд этилди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, давлат уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга жамият ҳаётида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Бу, ўз навбатида, уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши учун мустаҳкам конституциявий замин яратди.

⁶ <https://lex.uz/docs/6445145>

Жамоат бирлашмаларининг фуқаролик жамиятининг асоси сифатида конституциявий эътироф этилиши, уларнинг **ижтимоий шерикликдаги аҳамиятини ва жамоатчилик назоратидаги ўрнини** кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Миллий ўзликнинг ёрқин ифодаси бўлган **“маҳалла институти”**нинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамияти тубдан оширилди ва конституциявий мақоми мустаҳкамланди.

Хусусан, Конституциянинг **127-моддасига** мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги аниқ белгиланди.

Мазкур норма фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аҳамиятга молик масалаларни фуқаролар манфаатлари, ривожланишнинг ўзига хослиги, миллий қадриятлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда ҳал қилиш имконини берди.

Маҳалланинг **конституциявий мақоми ва мустақиллигининг белгиланиши**, унинг жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтириб, **жамоатчилик назоратининг асосий ва халқчил бўғини** сифатида эътироф этилишида муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, Конституцияда фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири – **оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолият эркинлиги** янги даражага кўтарилди.

Хусусан, **XV бобда** оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир киритилган **81, 82-моддалар** соҳадаги давлат сиёсатида жиддий ислоҳот амалга оширилганини намоён этди.

Энг асосий ислоҳот шундаки, **цензуранинг ҳар қандай кўриниши қатъиян тақиқланди**. Бу – очиқ жамият қуриш йўлидаги принципиал қадам ҳисобланади.

Давлат фуқароларга ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқларини амалга оширишни фаол кафолатлаш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига ноқонуний аралашиш учун жавобгарлик белгиланди.

Мамлакатда **оммавий ахборот воситаларининг “тўртинчи ҳокимият”⁷** сифатида эътироф этилиши ва уларнинг **жамоатчилик назоратининг субъекти** этиб белгиланиши сўз эркинлигини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тартибга солишга йўналтирилган **200** дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқда.

Хусусан, **“Жамоат бирлашмалари тўғрисида”**, **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”**, **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”**, **“Жамоат фондлари тўғрисида”**, **“Сиёсий партиялар тўғрисида”**, **“Касаба уюшмалари тўғрисида”**, **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”**, **“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”**ги ва бошқа қонунлар фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тартибга солади.

Масалан, **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”**ги⁸ ва **“Жамоат бирлашмалари тўғрисида”**ги⁹ Қонунлар нодавлат нотижорат ташкилотлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилади.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун¹⁰ эса фуқаролик жамияти институтларининг давлат томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланиш кафолатларини мустаҳкамлади. Бу ўз навбатида, давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртмалар шаклида намоён бўлмоқда.

Таъкидлаш зарур, тизимли молиявий қўллаб-қувватлаш **Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди** ва унинг маблағларини бошқариш бўйича **Парламент комиссияси** орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ушбу кафолатлар давлат функцияларининг бир қисмини, хусусан, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишни нодавлат нотижорат ташкилотларига ижтимоий буюртма шаклида топшириш механизмларини ҳам қамраб олди.

⁷ https://t.me/Press_Secretary_Uz/1465

⁸ <https://lex.uz/docs/11360>

⁹ <https://lex.uz/docs/111825>

¹⁰ <https://lex.uz/docs/1101278>

Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишдаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилди.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун¹¹ давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини белгиласа, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун¹² уларнинг “кузатувчи” ролини, яъни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқини кафолатлади.

Ушбу қонун давлат органларига мурожаат ва сўровлар юбориш, жамоатчилик муҳокамалари, эшитувлари ва мониторингини ўтказиш каби жамоатчилик назоратининг аниқ шакллари ва механизмларини белгилаб берди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу Қонун давлат органларига жамоатчилик назорати натижаларини кўриб чиқиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мажбуриятларни юклади.

Бу борадаги давлат сиёсати янада кучайтирилиб, жамоатчилик назоратининг амалий таъсирчанлигини ошириш мақсадида **2025 йил 21 августда 10 та қонунга ўзгартириш киритилган ЎРҚ-1083-сон Қонун**¹³ қабул қилинди.



¹¹ <https://lex.uz/docs/2468214>

¹² <https://lex.uz/docs/3679092>

¹³ <https://lex.uz/ru/docs/7696348>

Мазкур қонун билан бир нечта ўзгаришлар амалга оширилди.

Биринчидан, илк бор давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига ноқонуний аралашганлик, шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга ошириш натижалари бўйича тайёрланган якуний ҳужжатни кўриб чиқмаслик учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланди.

Иккинчидан, давлат ижтимоий буюртмасини тўғридан-тўғри беришнинг янги механизмлари яратилди.

Учинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг мажбуриятлари аниқлаштирилди ва ҳомийлик фаолияти тартиби такомиллаштирилди.

Таъкидлаш лозим, жамият ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи ва ҳақиқий халқчил институт ҳисобланган **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари** фаолияти қонунчиликда аниқ белгилаб берилди.

“**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**”ги Қонун¹⁴ маҳаллани аҳолига энг яқин ва бирламчи бўлин сифатида белгилади. Бунда, “**Темир дафтар**”, “**Аёллар дафтари**” ва “**Ёшлар дафтари**” механизмидан фойдаланиб ижтимоий ёрдамни манзилли етказиш, ҳудудий ривожланиш ва жамоат тартибини сақлаш каби вазифалар орқали **маҳалланинг давлат билан ижтимоий шерикликдаги аҳамияти** яққол намоён бўлди.

2023 йил 21 декабрдаги ПФ–209-сон Фармон¹⁵ – маҳалланинг жамиятдаги ўрнини тубдан мустаҳкамлаш ва аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги амалий салоҳиятини оширишга хизмат қилди.

Хусусан, юқоридаги “**дафтарлар**” билан ишлашга масъул бўлган “**маҳалла еттилиги**” (*ташкилий*) ва “**маҳалла бюджети**” (*молиявий*) тизимлари жорий этилди.

Шунингдек, **маҳалланинг аҳоли манфаатларини ифода этишдаги ўрнини** кўрсатувчи энг ёрқин амалий воситалардан бири – “**Ташаббусли бюджет**” тизимидир.

¹⁴ <https://lex.uz/docs/2156899>

¹⁵ <https://lex.uz/docs/6705763>

Бугун ушбу тизим орқали аҳоли **бюджет маблағларининг бир қисмини** қайси лойиҳага йўналтирилишини тўғридан-тўғри овоз бериш орқали ҳал қилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асослари уларнинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ўрнини ва жамоатчилик назоратидаги муҳим вазифасини амалга оширишини таъминлашга қаратилган яхлит тизимни ташкил этади. Бу тизим қуйидаги **3 та** муҳим **“қонунчилик устуни”**га таянди.

Биринчидан, бунинг негизида **“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”**ги Қонун¹⁶ туради ва унинг аҳамияти цензурани тақиқлаш ва давлатнинг оммавий ахборот воситалари ҳуқуқларини кафолатлашида кўринади. Бу оммавий ахборот воситаларининг давлат назоратидан холи, эркин фикр алмашиш майдони сифатида фаолият юритиши учун асосий ҳуқуқий замин яратди.

Иккинчидан, **“Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги Қонун¹⁷ орқали журналистнинг касбий фаолиятига ноқонуний аралашиш ёки тўсқинлик қилиш учун аниқ жавобгарлик белгиланди. Бунинг аҳамияти давлат журналистларни жамиятдаги муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқишга ундашида ва уларнинг ҳимоясини таъминлаганида кўринади.

Учинчидан, **“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”**ги Қонун¹⁸ давлат органларини ахборот беришга мажбурловчи механизмни ҳамда чуқур таҳлилий ва суриштирув материалларини тайёрлаш имкониятини яратди.

Бугунги кунда мазкур қонунлар **давлат органларининг** жамият олдидаги **ҳисобдорлигини таъминлашнинг асосий воситаси** бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлат сиёсатида фуқаролик жамиятини ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланганини, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган **стратегик ҳужжатлар** мисолида яққол кўриш мумкин.

¹⁶ <https://lex.uz/ru/docs/1106870>

¹⁷ <https://lex.uz/docs/9540>

¹⁸ <https://lex.uz/docs/2381133>

Биринчидан, 2021 йил 4 март куни ПФ–6181-сон Фармон¹⁹ билан “2021-2025-йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тасдиқланди. Концепция соҳадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди, мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг яқин ва ўрта муддатли истиқболларини белгилади.

Шу билан бирга, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирди, давлат бошқарувида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ҳамда аҳамияти, ижтимоий фаоллиги ва самарадорлигини оширди.

Иккинчидан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг²⁰ 83-бандида фуқаролик жамияти институтларини ислоҳотларга кенг жалб қилиш, улар фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш, Ўзбекистонни фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича хабга айлантириш вазибалари белгиланди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йил 26 август куни имзоланган ПФ–124-сон Фармон²¹ ислоҳотлар узвий давомининг ҳуқуқий асоси бўлди. Бунда, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф тизими ва ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини оширишга қўшимча шароит яратишга эътибор қаратилди.

Фармон билан **соҳада муҳим институционал ўзгаришлар амалга оширилди.** Хусусан, **Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди** ва унинг **ҳудудий бўлинмалари** ташкил этилди.

Фуқаролик жамияти институтларига **давлат гранти, субсидия ва ижтимоий буюртмаларни ажратиш шаффофлигини** таъминлаш мақсадида барча босқичларни қамраб олувчи ва инсон омилини кескин камайтирувчи **ягона электрон платформа** ишга туширилди.

Фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтириш ҳам асосий йўналишлардан бири бўлди.

¹⁹ <https://lex.uz/docs/5319756>

²⁰ <https://lex.uz/docs/6600413>

²¹ <https://lex.uz/docs/7083841>

Бу орқали фуқаролик жамияти институтлари вакиллари **давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларига раислик қилиши** ва барча давлат идоралари билан **йиллик очиқ мулоқотлар ўтказиш тизими** йўлга қўйилди.

Шунингдек, **ҳар йили декабрь ойида** фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, салоҳиятини юксалтириш, муаммолар ва истиқболларни муҳокама этишга қаратилган **“Фуқаролик жамияти ҳафталиги”** ни ўтказиб бориш йўлга қўйилди.

Молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари ҳам кенгайтирилиб, давлат органларига фуқаролик жамияти институтларининг БҲМнинг **1 000 бараваригача** бўлган ташаббусли лойиҳаларини танловсиз молиялаштириш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, ижтимоий аҳамиятга эга грант лойиҳалари учун солиқ ставкалари **50 фоизга** камайтирилди.

Айрим турдаги нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш божи **2 бараварга** ва хайрия маблағлари учун солиқ миқдори камайтирилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини **Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (ЎзННТМА)** билан **мажбурий келишиш тизими** жорий этилди.

Шунингдек, **ЎзННТМА** раисига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари мажлисларида **нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакили** сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилди²².

Унинг асосий вазифаси сифатида муҳокама қилинаётган қонун ҳужжатларига ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар киритиш, қонун ижодкорлиги жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кабилар белгиланди.

Барча **вазирлик ва идораларда** нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик учун **масъул бўлган раҳбар ўринбосарлари** тайинланиши белгиланди.

²² <https://www.lex.uz/uz/docs/7083841>

Халқ депутатлари **маҳаллий Кенгашларида** фуқаролик жамияти институтлари масалалари бўйича **доимий комиссиялар фаолият** юритиши йўлга қўйилди.

Тўртинчидан, 2024 йил **27** октябрь куни Парламент ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловлар натижаларига кўра, фуқаролик жамияти институтларининг **1 274** нафар вакиллари давлат вакиллик органларида депутатлик ўринларини эгаллади.

Экспертлар фикрига кўра, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни **юридик-декларатив босқичдан институционал-амалий босқичга** ўтганини яққол намоён этмоқда.

Агар аввал фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш асосан **умумий сиёсий хоҳиш** ва айрим қонунлар доирасида ифодаланган бўлса, сўнгги йиллардаги ислохотлар аниқ, ўзаро боғланган механизмларнинг яхлит архитектурасини яратди.

2-§. Фуқаролик жамиятининг асосий иштирокчилари (акторлари): нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳозирги ҳолати

Сўнгги йилларда мамлакатда амалга оширилган ўзгаришлар давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларига кириб борди.

Фуқароларнинг фикри инobatга олинадиган, очиқ мулоқотга асосланган, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини том маънода рўёбга чиқаришни кўзлаган давлатни шакллантириш ғояси амалиётга татбиқ этила бошлади, турли инновацион механизмлар орқали давлат билан жамиятнинг ўзаро **очиқ ижтимоий мулоқоти шаклланди**.

Асосий эътибор, “**Инсон учун, унинг бахти саодати учун**” ғояси асосида “**жамиятни ислохотлар ташаббускори**”га айлантириш, “**халқ хизматидаги давлат**”ни шакллантириш, ижтимоий муносабатларни мувозанатлаштириш ва фуқаролар ролини кучайтиришга қаратилди.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда **9 627 та** нодавлат нотижорат ташкилотлари, **9 008 та** фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, **2 490 та** оммавий ахборот воситалари ҳамда **3 000 га** яқин турли жамоат тузилмалари (жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари, жамоатчилик гуруҳлари ва бошқалар) фаолият юритмоқда. Уларда **150 мингдан** ортиқ шахслар меҳнат қилмоқда.




1. Нодавлат нотижорат ташкилотлари

Фуқаролик жамиятининг муҳим атрибути бўлган **нодавлат нотижорат ташкилотларини** қўллаб-қувватлаш, ижтимоий мулоқот ҳамда аудитнинг ролини кучайтиришнинг тизимли чора-тадбирлари амалга оширилди.


Бу ўз навбатида, жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллигини ошириб, уларнинг ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтирди. Натижада, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида **ривожланиш жараёнлари** юз бериб, уларнинг **проактив фаолиятига кучли таъсир** кўрсатди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда турли соҳаларда **9 627** та нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият олиб бормоқда.



Жумладан, **жамоат бирлашмалари сони – 7 642 та, муассасалар сони – 802 та, жамоат фондлари сони – 417 та** ҳамда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги нодавлат нотижорат ташкилотлар сони – **766 тани** ташкил этади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари




Нодавлат нотижорат ташкилотлари қатор соҳаларда фаолият олиб бормоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг соҳалар кесимидаги таҳлили



Таъкидлаш керак, Ўзбекистонда 1991 йилдан бошлаб бугунги кунгача нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўсиш динамикаси кузатилмоқда. Хусусан, 1991 йилда уларнинг сони 95 та бўлган бўлса, 2000 йилга келиб улар 2 585 тага, 2016 йилда 8 417 тага, 2022 йилда 9 285 тага ва 2025 йилда 9 627 тага етди.

Ўзбекистонда 1991-2025 йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларини ўсиш динамикаси



Жумладан, охириги йилларда таҳлилий ва стратегик йўналишларда **“Юксалиш”** ҳаракати, **“Тараққиёт стратегияси”**, **Барқарор ривожланиш**, **Демократик жараёнларни таҳлил қилиш** ҳамда **Прогрессив ислоҳотлар** каби марказлар фаолият бошлади.

Шу билан бирга, бугунги кунда **сиёсий партия ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳузурида ҳам таҳлил марказлари** фаолият олиб бормоқда. Хусусан, Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги **Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти**, Ёшлар Иттифоқи ҳузуридаги **Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш республика марказини** мисол сифатида келтириш мумкин.

Жамоатчиликни уюштириш ва турли гуруҳлар манфаатларини ифодалаш мақсадида **Аёллар ва қизлар**, **Экспортчилар** ва **Иқтисодчилар уюшмалари**, **Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси** каби жамоат бирлашмалари ташкил этилди.

Шунингдек, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун **“Ватандошлар”**, **“Замин”**, **“Шодиев”**, **“Илҳом”**, **“Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш”**, **“Вақф”** ва **Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш** каби жамоат фондлари тузилди.

Бундан ташқари, **Волонтёрлар ассоциацияси, Ўзбекистон миллий медиа бирлашмаси, “Digital Generation Uzbekistan”** ҳамда **“Коррупциясиз келажак”** каби қатор ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаолият юритмоқда.


Қолаверса, **“Сабр”** ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази, **“Тадбиркор аёл”** халқаро ассоциацияси ҳамда **Ногиронлар жамияти ва ассоциацияси** кабилар бугунга келиб юзлаб туман ва шаҳарларда ўз ҳудудий бўлинмаларига эга бўлди. Бу ўсиш секторда банд бўлган ходимлар сонидан ҳам яққол кўринмоқда.

Таҳлилларга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотларида **2021** йилда **44 минг** нафар ходим фаолият юритган бўлса, уларнинг сони **2022** йилда **63 минг** нафарга, **2025** йилда **70 минг** нафарга етди. **2021-2025** йиллар мобайнида нодавлат нотижорат ташкилотларида фаолият юритаётган ходимлар сони қарийб **60 фоизга** ошиб, ушбу соҳанинг меҳнат бозоридаги аҳамияти изчил равишда ортиб бораётганини кўрсатади.



Нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олувчи орган билан боғлиқ барча давлат хизматлари электрон шаклга ўтказилди. **Адлия вазирлиги** томонидан **2019** йилда **“e-ngo.uz”** электрон тизими ишга туширилди, натижада **2025** йилга келиб портал орқали **100** мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди.

2019-2025 йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларига кўрсатилган давлат хизматлари сони



Шунингдек, электрон тизим солиқ ва статистика органлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Марказий банк ҳамда “my.gov.uz” тизимлари билан интеграция қилинди.

Натижада, жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан юбориладиган қоғоз шаклидаги ҳужжатлар **80 фоизгача қисқартирилди**, ортиқча вақт сарфлаш, **бюрократия ва қоғозбозликнинг олди олинди**.

Тадбирларни ўтказиш учун адлия органларидан **рухсатнома олиш талаби ўрнига хабар бериш тартиби** жорий этилди, бу эса ташкилотлар фаолияти эркинлигини янада оширди.


Нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш божлари ўртача **икки бараварга пасайтирилди**. Ногиронлар, нуронийлар, хотин-қизлар, болалар жамоат бирлашмалари бождан **тўлиқ озод этилди**. Қайта рўйхатдан ўтиш муддати **бир ойдан 15 кунга қисқартирилди**²³.

Ташқи манбалардан маблағ олиш жараёни соддалаштирилди. Махсус ҳисоб рақам очиш талаби **бекор қилинди**. Маблағ олиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш муддати **40 кундан 15 кунга қисқарди**. Адлия органи билан **келишмасдан** олинадиган маблағ миқдори **5 бараварга** оширилди. Натижада **2023-2025 йилларда** жалб этилган халқаро грантлар **120 млн доллардан** ошди.

²³ <https://lex.uz/docs/5317637>

Давлат мулки объектлари негизда “**Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари**” ташкил этилди²⁴, уларга **400** га яқин ташкилот ижара тўловининг “**ноль**” қиймати қўлланган ҳолда жойлаштирилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан киритилган **таклифларнинг умумий сони 2021 йилдаги мингтадан 2025 йилда 5 мингтага (5 баравар)** ошди.



Амалга оширилган ишлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни соддалаштириш ва профилактик чора-тадбирларни кучайтириш натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлар содир қилаётган ҳуқуқбузарликлар сони **2025 йилда 19,2** фоизга камайди.

Таъкидлаш керак, бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг **ижтимоий фаоллик даражаси** юксалиб, давлат ва жамият бошқарувининг бевосита иштирокчисига айланди.

Масалан, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида давлат сиёсати ва унинг амалий натижаларига оид **жамоатчилик фикрини тизимли ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш** йўлга қўйилди.

“**Юксалиш**” ҳаракати ҳар йили давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг фаолиятини баҳолаш, натижаларни расмий веб-сайтда ва ижтимоий тармоқларда чоп этиш тартибини жорий қилди.

Ҳаракат **2021-2025** йилларда давлат дастурлари ижроси юзасидан **1 400** дан ортиқ **жамоатчилик мониторинглари**, **1 200** га яқин **жамоатчилик муҳокамалари**, Олий Мажлис Сенати ва давлат бошқарув органлари билан биргаликда **310** дан ортиқ **жамоатчилик эшитувларини** ташкил этди.

²⁴ <https://lex.uz/docs/3721649>

“Digital Generation Uzbekistan” ННТ 2020-2025 йилларда “Raqamli Avlod” ва **“Raqamli Avlod Qizlari”** лойиҳалари доирасида иқтидорли ўғил-қизлар учун республика миқёсида сайёр тадбир, махсус ўқувлар, **“Стартап”**лар ташкил этиб, **100** минг нафардан зиёд ёшларни қамраб олди.

“Raqamli Avlod Qizlari” лойиҳаси ғолиблари **“Harvard”** (АҚШ), **“MIT”** (АҚШ), **“Emirates National Shools”** (БАА) каби нуфузли хорижий давлат таълим муассасаларига таълим саёҳатига юборилди.

2020-2025 йилларда Тошкент, Самарқанд, Нукус шаҳарларида инклюзив касбий тайёрлов ўқув марказлари, **“Raqamli Avlod”** ва **“Zamin education”** лойиҳалари доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар, ногиронлар, заиф эшитувчилар ҳамда кўрувчи **1 000** нафарга яқин ёшлар замонавий касбларга ўқитилди.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази 2020-2025 йилларда 8,5 мингга яқин болалар ва уларнинг оилаларига ижтимоий хизматлар кўрсатди. Уларнинг **5 314** нафари ногиронлиги бўлган болаларга кўрсатиладиган тиббий реабилитация, педагогик-психологик ёрдам ҳисобланади. Олинган ёрдамлар натижасида **78%** болалар ривожланишида **ижобий ўзгаришлар кузатилди.**

Марказнинг **Фарғона, Самарқанд** ва **Қарши** минтақавий филиаллари амалга оширган ишлар натижасида **3** мингдан зиёд **ногирон болаларнинг саломатлиги тикланди. 26 994** нафар бола ва уларнинг оилаларига ахборот-маслаҳат ёрдами, психологик ва ижтимоий-ҳуқуқий хизматлар кўрсатилди. **5 277** та оилага таълим, тарбия, касбга йўналтириш, ишга жойлаштириш, болалар ривожланиши ва реабилитацияси масалалари бўйича консультациялар ўтказилди.

“Тадбиркор аёл” халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси 3 мингдан ортиқ тадбиркор аёлга жами **23 млрд** сўмдан зиёд кредит маблағларини олишда, **60** нафар аёлга **300 млн** сўмлик субсидия ажратилишида кўмаклашди.

Янги Конституцияни қабул қилиш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий жараёнларда **Кўзи ожизлар жамияти** Янги таҳрирдаги Конституциянинг тўлиқ аудио матнини тайёрлади.

Касаба уюшмалари томонидан кейинги йилларда **500** мингга яқин ходимнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилинди, уларнинг фойдасига **267** млрд сўм ундириб берилди.

Шунингдек, ишдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли жабрланган **минг** нафар ходимга **35** млрд сўм товон пули тўланди, ноҳақ бўшатишган **13** минг нафар ходим ишга тикланди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотда **пассив кузатувчи** ролдан муҳим **ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси** даражасига кўтарилганини кузатиш мумкин. Бу, айниқса, **2024 йилда** ўтказилган сайлов жараёнларида яққол намоён бўлди.

Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари сайлов даврида **“Менинг танловим – фаровон мамлакат”** шиори остидаги тарғибот тадбирларини ўтказди. Тадбирлар республиканинг **118** та туман ва шаҳарларидаги **110** та маҳаллада, **46** та олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, **33** та жамоат ташкилотларида, **30** та мактабда, **10** та участка сайлов комиссияларида ўтказилди.

Сайлов жараёнларида нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўтказилган **“Менинг танловим – фаровон мамлакат”** шиори остидаги тарғибот тадбирлари



Натижада сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий-сиёсий фаол бўлмаган қатлами, жами **19** минг нафар шахс қамраб олинди.

Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти ва бошқа ННТлар овоздоридан маҳрум этиш жойларида сақланаётган ҳамда жазо муддатини ўтаётган **40,5** минг нафар маҳкум ўртасида изчил тарғибот ишларини олиб борди.

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти 5 570 та сайлов участкасидан **5 362** тасида жисмоний имконияти чекланган шахсларга яратилган шароитларни ўрганди.

Мазкур тадбирларнинг **кенг географик қамрови** нодавлат нотижорат ташкилотларининг республика миқёсида самарали тизимга эга эканини яққол намоён этди.

Бу жараёнга **5** мингдан ортиқ ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлиги бор шахслар, туман фаоллари, ҳунармандлар ва жамоат ташкилотлари ходимлари жалб этилди ҳамда уларга сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳияти, унга киритилган ўзгаришлар, овоз бериш тартиби ва янги жорий этилган аралаш сайлов тизимининг ўзига хос жиҳатлари тушунтирилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари **2024** йилда **Парламентга ўтказилган сайлов жараёнларида** участка сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитишга кўмаклашувчи ва сайловга тайёргарлик кўриш устидан **тизимли жамоатчилик назоратини амалга оширувчи муҳим субъектга** айланди.

Бу жараён иккита асосий йўналишда олиб борилди:

1. 100 та туман ва шаҳарда **2** мингдан ортиқ участка сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитишга кўмаклашилди.

2. 40 та сайлов участкасида тайёргарлик жараёнлари бевосита мониторинг қилинди.

“Шарқ аёли” фонди, **Волонтёрлар ассоциацияси, Сабр маркази** ва **Ногиронлар жамияти** каби ташкилотлар **сайлов участкаларида** аҳолининг барча тоифалари, айниқса, ногиронлиги бор шахслар учун яратилган шароитлар ва инклюзивлик даражасини ўрганди.

Умуман, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари сон ва сифат жиҳатидан мутлақо янги ривожланиш босқичига кўтарилди.

Давлат томонидан яратилган ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар, рўйхатга олиш ва маблағ жалб қилишнинг соддалаштирилиши нодавлат нотижорат ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини ошириб, халқаро грантлар ҳажмининг ўсишига олиб келди.

2. Оммавий ахборот воситалари

Янги Ўзбекистонда **2017** йилдан бошлаб **очиқлик сиёсатининг институционал асослари** белгиланди.

Давлат раҳбари ўз чиқишларида оммавий ахборот воситалари “**энг таъсирчан куч**”²⁵ эканини ҳамда очиқлик ва сўз эркинлиги йўли “**ҳеч қачон ортга қайтмаслигини**”²⁶ доимий таъкидлаб келмоқда.

Мазкур “**сиёсий ирода**” аниқ институционал ислохотлар билан мустаҳкамланди. Жумладан, **2019** йилда **Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА)** ҳамда барча давлат органларида **ахборот хизматлари (матбуот котиблари)** фаолияти йўлга қўйилди²⁷.

2025 йилда **Миллий контент ишлаб чиқарувчи марказ** ташкил этилди. Бундан ташқари, соҳани тартибга солувчи **10** дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ушбу нормалар амалий механизмлар билан таъминланиб, журналистлар ва блогерлар очиқ суд мажлислари, вақтинчалик сақлаш ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларига кириш ҳуқуқига эга бўлди.

Яратилган ҳуқуқий ва сиёсий шароитлар соҳанинг сифат жиҳатдан ўзгаришига, унинг **жамоатчилик назоратининг** асосий воситасига айланишига олиб келди.

²⁵ https://t.me/Press_Secretary_Uz/3097

²⁶ https://t.me/Press_Secretary_Uz/3090

²⁷ <https://lex.uz/ru/docs/4390513>

Оммавий ахборот воситалари соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

01

“Реклама тўғрисида”ги ЎРҚ-776-сонли Қонун

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-П-сонли Қонун

02

03

“Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5148-сонли Фармон

“Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармон

04

05

“Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-294-сонли Қарор

Мазкур ижобий ўзгаришларнинг энг яққол кўзга ташланадиган жиҳатларидан бири бу **оммавий ахборот воситалари соҳасининг тубдан трансформацияси** шаклланишига шароит яратгани бўлди. Бу жараён нафақат миқдорий ўсишда, балки ҳуқуқий кафолатларнинг кучайишида ва оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратидаги ролининг сифат жиҳатдан ўзгаришида намоён бўлди.

Бугунги кунда мамлакат бўйлаб **2 490** та оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Шундан, **1 655** таси нодавлат ва **838** таси давлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситаларининг таснифланиши

давлат

838

нодавлат

1 655

Таъкидлаш керак, **2 490** та оммавий ахборот воситаларининг **1 599** таси газета ва журналлар, **763** та интернет-нашрлар, **103** та телерадиоканаллар, **20** та ахборотнома ва бюллетенлар, **5** та ахборот агентликларига тўғри келади.



Миллий медиа майдондаги энг муҳим тенденциялардан бири – фуқаролик жамиятининг асосий шарти бўлган **нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғининг кенгайиши** ҳисобланади.

Бугунги кунда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг улуши **65** фоиздан ошди. Бу давлатнинг ахборот соҳасидаги монополиядан онгли равишда воз кечиши ҳамда рақобатбардош, плюралистик медиа муҳитни яратиш бўйича аниқ сиёсатини акс эттиради.

Ахборот маконининг кенгайиши, **биринчи навбатда**, рақамли технологиялар ҳисобига юз берди ва **763** та расмий рўйхатдан ўтган интернет-нашрларнинг мавжудлиги ахборот етказиш тезлиги ва географияси кескин кенгайганини англатади.

Бу борада, “**Sevimli TV**”, “**MY5**”, “**Zo’r TV**”, “**Renessans TV**”, “**UzReport**” каби нодавлат телеканаллар, **Kun.uz**, **Qalampir.uz**, **Podrobno.uz**, **Gazeta.uz**, **Daryo.uz** интернет нашрлари аҳоли учун тезкор ва муқобил ахборот манбаига айланиб, анъанавий журналистикага кучли рақобатчи бўлди.

Газета ва журналлар сегменти бугун жамиятнинг турли қатламлари эҳтиёжларини қамраб олишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, “**Жамият**”, “**Хўррият**”, “**Овози тожик**”, “**Нурли Жол**”, “**Erkin Qaraqalpaqstan**”, “**Корё синмун**”, “**Маҳалла кўзгуси**” каби газеталар мамлакатдаги аҳамиятга эга масалаларни кўтармоқда.

“Тараққиёт стратегияси”, “Фуқаролик жамияти”, “Маънавий ҳаёт”, “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти”, “Ҳидоя”, “Адвокат”, “Кексалик гашти” журналлари эса ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилиб, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий онгини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу хилма-хиллик Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш тамойиллари негизида ётган адолат, эзгулик ва гуманизм ғояларини кенг тарғиб қилмоқда.

Миллий статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, **2025 йилнинг** биринчи ярмида интернетдан фойдаланувчи Ўзбекистон аҳолисининг улуши **94,2** фоизга етди. Бу рақам ахборот маконининг деярли бутунлай рақамли муҳитга ўтгани ва интернет-нашрлар ҳамда блогерларнинг таъсир доираси анъанавий оммавий ахборот воситаларидан устун эканини кўрсатди.

Анъанавий журналистика билан бир қаторда, “**янги медиа**”, яъни **блогерлар институти** ҳам жадал ривожланди. Хусусан, **2016** йилда фаол блогерлар сони **50** тани ташкил қилган бўлса, **2025** йилда уларнинг сони **2** мингдан ортди. Бу соҳанинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ортиб бораётганини кўрсатади.

Шунингдек, **Ўзбекистонда 26** мингдан зиёд фаол **видеоблогерлар** фаолият юритиб келмоқда²⁸. **Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази** маълумотларига кўра, ушбу жараён Ўзбекистонда блогинг бозорининг юқори ўсиш салоҳиятига эга эканини кўрсатади.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамиятда “**соғлом танқидий руҳ**” ни кучайтирмоқда, бу эса ислоҳотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу тенденциянинг яққол исботи танқидий материаллар сонининг кескин ўсишида ифода этилмоқда. Хусусан, **2025** йилда мансабдор шахслар фаолиятини танқид қилувчи материаллар сони **10,5** мингдан ошди.

Ўзбекистоннинг янги очиқлик сиёсати бир вақтнинг ўзида “**икки устунли**” медиа стратегияси, **миллий оммавий ахборот воситаларини кучайтириш** ва **халқаро ахборот маконига чуқур интеграциялашув** орқали амалга оширилмоқда.

²⁸ <https://kun.uz/27663238>

Миллий медиа-салоҳиятни ошириш журналист ва блогерларнинг ихтисослашуви ва ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларининг интернет билан интеграциялашуви ва ноҳолис ахборотга қарши курашдаги ролини кучайтириш, ахборот бозорини ривожлантириш ва грант лойиҳалари орқали соҳанинг моддий мустақиллигини мустаҳкамлашни ўз ичига олади.

Бу борада соҳа вакилларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳамда “**Олтин қалам**” каби нуфузли танловлар орқали ижодкорларни қўллаб-қувватлаш амалиёти муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатда **200** дан ортиқ хорижий телерадиоканаллар, жумладан **Reuters, Economist, BBC News, CNN, Al Jazeera** каби жаҳоннинг етакчи ахборот агентликлари ҳамда телеканаллари эфирга узатилмоқда.



Таъкидлаш керак, бугунги кунда миллий медиа маконни малакали кадрлар билан таъминлаш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, соҳанинг таянч олийгоҳи бўлган **Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети** ташкил этилиб²⁹, ҳар йили **500** нафарга яқин талаба ўқишга қабул қилинмоқда.

Таълим сифатини таъминлашга **200** дан ортиқ малакали профессор-ўқитувчилар жалб этилган бўлиб, анъанавий йўналишлар билан бирга “**Интернет журналистикаси**”, “**Медиадизайн**” ҳамда “**Медиамаркетинг**” каби замонавий мутахассисликлар бўйича тизимли кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шундай қилиб, оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ислохотлар жамоатчилик назоратининг муҳим воситаси сифатида ўз тасдиғини топмоқда.

²⁹ <https://lex.uz/docs/3748563>

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган очиқлик сиёсати оммавий ахборот воситаларини чинакамига жамият ҳаётининг кўзгусига ва давлат ҳамда халқ ўртасидаги ишончли мулоқот кўпригига айлантирди.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг **мутлақо янги архитектурасини** шакллантиришга қаратилди. Ушбу тарихий бурилишнинг марказида ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган миллий қадрияти, **ноёб ўзини ўзи бошқариш модели** — “**маҳалла**” турибди.

Сўнги 9 йил давомида “**маҳалла институти**” шунчаки **маъмурий-ҳудудий бирлик** мақомидан чиқиб, **фуқаролик жамиятининг энг фаол, таъсирчан ва халқчил драйверига** айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.Мирзиёев** томонидан илгари сурилган “**Давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак**”³⁰ деган концептуал ғоянинг амалий ижроси айнан “**маҳалла**” тизими орқали рўёбга чиқмоқда.

Бошқарувнинг **вертикал тизимидан горизонтал ҳамкорликка** ўтилиши, “**маҳаллабай**” ишлаш механизмининг жорий этилиши, бошқарув самарадорлигини оширишнинг “**ўзбек модели**” сифатида эътироф этилмоқда.

Мазкур модел фақат тузилмавий ўзгаришлар билан чекланиб қолмасдан, аҳоли муаммолари билан ишлашнинг ноёб **уч босқичли методологияси** – “**маҳаллабай**”, “**хонадонбай**” ва “**фуқаробай**” тизимларини ҳаётга татбиқ этди.

“**Маҳаллабай**” тизими орқали ҳудуднинг умумий инфратузилмаси ва ижтимоий муҳитидаги тизимли муаммолар ҳал этилаётган бўлса, “**Хонадонбай**” тизими давлат вакилларининг ҳар бир эшикни қоқиб бориб, оилаларнинг реал иқтисодий аҳволини ўрганишини таъминлади.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Халқаро конгресс марказида бюрократияни бартараф этиш масалаларига бағишланган халқаро форумнинг тантанали очилиш маросимидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/8717>

“Фуқаробай” ишлаш механизми эса умумлаштирилган ёрдамдан воз кечиб, ҳар бир инсоннинг шахсий муаммосига индивидуал ечим топиш имконини бермоқда.

Бугун маҳалла аҳоли муаммоларини **“пастдан юқорига”** тамойили асосида ҳал қилувчи, тадбиркорликни ривожлантирувчи, ижтимоий барқарорликни таъминловчи реал ваколатларга эга конституциявий институтга айланди.

Маҳалла институтининг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланиши ва қонунчилик базаси тизимлаштирилиши унинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган энг муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида боб**³¹ ажратилиши ва уларнинг **давлат ҳокимияти органлари тизими**га кирмаслигининг қатъий белгилаб қўйилиши **тарихий аҳамиятга эга воқеа** бўлди.

Конституциявий даражадаги ушбу норма маҳалланинг давлат органларидан мустақиллигини таъминлади, маҳаллий бошқарувдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилди.

Бу ўзгариш маҳалла раислари ва фаолларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари олдида **“ҳисобдор”** эмас, балки **“ҳамкор”** сифатидаги мақомини мустаҳкамлади. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, маҳалла тизимининг демократик асослари янада кучайтирилди.

Маҳалла раисларини сайлаш тартиби такомиллаштирилиб, улар тўғридан-тўғри аҳоли томонидан муқобиллик асосида ва яширин овоз бериш йўли билан **5 йил муддатга сайланмоқда**. Бу эса маҳалла етакчисининг халқ олдидаги масъулиятини ва легитимлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда республикадаги **9 008 та** маҳаллада айнан халқ ишончини қозонган лидерлар фаолият юритмоқда.

2024 йилда соҳани бошқаришда **маъмурий буйруқбозликдан** воз кечиш ва жамоатчилик асосида мувофиқлаштириш мақсадида **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси** ташкил этилди³².

³¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

³² <https://lex.uz/uz/docs/6705763>

Уюшмага **Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди** томонидан ҳар йили субсидия маблағлари ажратиш тизими шаклланди.

Тизимни молиявий жиҳатдан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, маблағлардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш тамойили йўлга қўйилди.

Хусусан, **2025** йилда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмаларини қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан **909,7 млрд сўм** йўналтирилди³³.

Бунда асосий эътибор маблағларни бевосита **маҳалла ходимларини рағбатлантириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш** каби тадбирларга йўналтиришга қаратилди.

Ушбу тузилма маҳаллаларнинг моддий-техник базасини марказлашган ҳолда мустаҳкамлаш, ходимларнинг малакасини ошириш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда **“ягона овоз”** вазифасини ўтамоқда.

Уюшманинг ташкил этилиши “маҳалла тизими”нинг корпоратив бошқарув элементларига эга бўлган замонавий фуқаролик жамияти институтига айланишини тезлаштирди.

Ислоҳотларнинг энг ёрқин ва инновацион натижаси — ҳар бир маҳаллада аниқ ваколат ва вазифаларга эга бўлган **“маҳалла еттилиги”** тизимининг жорий этилиши бўлди. Бу тизим давлат хизматларини кабинетлардан чиқариб, бевосита халққа яқинлаштирди ва **“Ягона дарча”** тамойилининг маҳалладаги амалий ифодасига айланди.

Маҳалла раиси — ҳудуддаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминловчи, “маҳалла еттилиги” фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва давлат идоралари билан алоқани боғловчи асосий етакчи бўғинга айланди.

Ҳоким ёрдамчиси — маҳаллаларда ҳар бир хонадоннинг иқтисодий имкониятини таҳлил қилиш ва **“ўсиш нуқталари”**ни аниқлаб, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалаларини назоратга олди.

³³ <https://lex.uz/ru/docs/7277618>

Тизимнинг самараси ўлароқ, мамлакатда камбағаллик даражаси **2021** йилдаги **17** фоиздан **2024** йилга келиб **11** фоизга тушди.

Ёшлар етакчилари ишсиз ва кўмакка муҳтож ёшлар билан манзилли ишлаш тизимини йўлга қўйди. Хусусан, етакчиларнинг тавсияси билан **155** минг нафардан ортиқ ёшларга деҳқончилик қилиш учун **60** минг гектардан ортиқ ер майдонлари ажратиб берилди.

Ижтимоий ходим – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вакили сифатида маҳаллага профессионал **“social work”** (*ижтимоий хизмат*) стандартларини олиб кирди ва улар эҳтиёжманд оилаларни **“кейс-менежмент”** усулида баҳолаб, комплекс ёрдам кўрсатмоқда.

Хотин-қизлар фаоли – хотин-қизларни касбга ўқитиш, психологик қўллаб-қувватлаш, тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш каби ишларни амалга оширмоқда.

Профилактика инспектори фаолияти ҳудудларни **“яшил”, “сарик”** ва **“қизил”** тоифаларга ажратиш тизими асосида ташкил этилиб, жиноятчиликдан холи ҳудудга айланган маҳаллаларни рағбатлантириш амалиёти йўлга қўйилди. Натижада, **2024 йилда** республикадаги маҳаллаларнинг **30,6 фоизида** бирорта ҳам жиноят содир этилмади³⁴.

Солиқ инспектори – маҳалла бюджетини шакллантириш ва яширин иқтисодиётни қисқартиришда муҳим роль ўйнамоқда.



³⁴ Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига қарийб 200 тадан содир этилган жиноятлар тўғри келди. <https://kun.uz/kr/62186213>

“Маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамжиҳатликда фаолият юритиши натижасида **муаммоларни идоралараро ҳал қилиш** муҳити яратилди.

Ислоҳотлар натижасида маҳалла **молиявий жиҳатдан қарам ҳудуддан даромад яратувчи ва инвестиция киритувчи маконга** айланди. Молиявий ваколатларнинг қўйи бўғинга берилиши тизимнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтирди.

2024 йилдан барча туман ва шаҳарларда **“Маҳалла бюджети”** тизими жорий этилди³⁵.

“Маҳалла институти”нинг яна бир муҳим ваколоти — бу кучли **жамоатчилик назорати** механизмидир. Бу орқали маҳаллада аҳолининг ижтимоий муаммолари тезкор аниқланмоқда, давлат органларининг ҳисоботлари эшитилмоқда. Натижада, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик фикрининг инобатга олинишига ва қарор қабул қилиш жараёнларига аҳолининг тўғридан-тўғри иштироки кучайтирилди.

Ҳудуддаги қурилиш ишлари, савдо ва хизмат кўрсатиш сифати, мактаб ва шифохоналар фаолияти устидан **маҳалла фаоллари** ва **аҳоли** томонидан жамоатчилик мониторингини ўтказиш амалиёти кенгайди. Бу **“Жамият — ислоҳотлар ташаббускори”** тамойилининг ҳаётий ифодаси ҳисобланади³⁶.

Оғир аҳволдаги ҳудудларни ривожлантириш мақсадида **“1000 та маҳалла”** дастури қабул қилиниб, унга **3,2 трлн сўм** маблағ йўналтирилди³⁷. Бу дастур **“Обод қишлоқ”** ва **“Обод маҳалла”** дастурларининг мантиқий ва манзилли давоми бўлиб, коммуникация тармоқларини тубдан янгилашга хизмат қилмоқда. Маҳалла фаолиятига замонавий ахборот технологияларининг интеграцияси бюрократия ва коррупцияни камайтиришнинг асосий омили бўлди.

“Маҳалла институти”ни ислоҳ қилиш жараёнида **“Рақамли маҳалла”** ягона электрон платформасининг ишга туширилиши соҳани модернизация қилишдаги стратегик қадам бўлди. Платформа маҳалла тизимини **“Электрон ҳукумат”** тизимига тўлиқ интеграция қилди.

³⁵ <https://lex.uz/uz/docs/6705763>

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/3312>

³⁷ <https://lex.uz/ru/docs/7109778>

“Рақамли маҳалла” платформасининг аҳамияти – тизимдаги ортиқча қоғозбозлик ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишда намоён бўлди³⁸.

Унинг ўнлаб вазирлик ва идоралар базалари билан интеграция қилингани маҳалла ходимларининг юкини кескин камайтириб, асосий вақтини аҳоли билан бевосита мулоқот ва муаммоларни жойида ҳал этишга йўналтириш имконини берди.

Платформа ижтимоий ҳимоя тизимида шаффофлик ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг бош мезонига айланди.

Инсон омилининг қисқартирилиши натижасида моддий ёрдам, субсидия ва кредитлар ажратиш жараёнидаги субъектив ёндашувларга чек қўйилди.

Фуқароларнинг ижтимоий дафтарларга киритилиши маҳалла раисининг хоҳиши билан эмас, балки тизимдаги мавжуд аниқ кўрсаткичлар ва мезонлар асосида автоматик тарзда аниқланмоқда. Бу эса аҳолининг ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

“Рақамли маҳалла” давлат бошқарувида **“катта маълумотлар” (Big Data)** манбаси сифатида стратегик аҳамият касб этди. Унда шакллантирилган ҳар бир хонадоннинг **“ижтимоий паспорти”** ҳукуматга ҳудудлардаги реал вазиятни мониторинг қилиш, ресурсларни тўғри режалаштириш ва келажақдаги инфратузилмавий лойиҳаларни аниқ рақамларга таянган ҳолда ишлаб чиқиш имкониятини берди.

Шу тариқа, маҳалла тизими рақамли технологиялар ёрдамида нафақат ижрочи, балки давлат сиёсатини белгилашда муҳим ахборот таянчига айланди.

Ўзбекистоннинг **“маҳалла тизими”**ни ислоҳ қилиш бўйича ноёб тажрибаси халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

Хусусан, БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида **“Маҳалла — ижтимоий бошқарувнинг самарали модели”** сифатида эътироф этилиб, Марказий Осиё ва бошқа ривожланаётган давлатлар томонидан намуна сифатида ўрганилмоқда.

³⁸ <https://www.gazeta.uz/uz/2023/12/20/digitalization/>

Жумладан, **2025** йилда **БМТнинг Нью-Йоркдаги** бош қароргоҳида бўлиб ўтган сессиялар доирасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси делегацияси томонидан “маҳаллабай” ишлаш тизими бўйича ўтказилган тақдимотда маҳалланинг камбағалликни қисқартириш, гендер тенгликни таъминлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтиришдаги роли халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланди³⁹.

Экспертларга кўра, Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган демократик ислохотлар “маҳалла институти”ни давлат ва жамият ўртасидаги “**мустаҳкам кўприк**”ка айлантирди.

³⁹ <https://xabar.uz/jamiyat/ozbekiston-tajribasi-xalqaro-darajada-etirof-topmoqda>

3-§. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими: ҳуқуқий кафолатлар, ташкилий ва молиявий механизмлар

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш учун **муштақкам ҳуқуқий пойдевор** ва **самарали молиявий механизмлар** яратилди.

Соҳанинг ҳуқуқий фундаменти сифатида “**Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида**” ги ва “**Ижтимоий шериклик тўғрисида**” ги қонунлар муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур ҳужжатларга асосан давлат фуқаролик жамияти институтларини **субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида** қўллаб-қувватлайди.



Қонунчиликдаги энг муҳим нормалардан бири — давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида битимлар тузиш ҳуқуқи бўлиб, бу уларга давлат дастурларини бажаришда тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида қатнашиш имконини берди.

2017-2025 йилларда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар дунё тажрибасига мос, шаффоф ва фаол фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга қаратилди.

Бу жараёнда давлат томонидан жорий қилинган ҳуқуқий кафолатлар, молиявий имкониятлар ва очиқ мулоқот платформалари **фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарувидаги ролини сезиларли даражада оширди**. Натижада, хотин-қизлар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар, экология, таълим ва тиббиёт соҳасидаги ташаббуслар сезиларли даражада кўпайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон қонунчилиги нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг асоссиз аралашувига чек қўйиш ва ижтимоий шерикликни институционаллаштириш йўналишида такомиллаштирилди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва демократик тизими яратилиб, бу жараёнда **2008 йилда** ташкил этилган **Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди** ва унинг **маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси** етакчи ўрин тутмоқда⁴⁰.

Фонднинг асосий мақсади — мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат институтларини мамлакатдаги демократик ўзгаришларда фаол иштирок этишини молиявий рағбатлантиришдан иборат.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, **2017-2025** йилларда давлат бюджетидан фуқаролик жамияти институтларининг **5,6** мингдан ортиқ дастур ва лойиҳаларига **3 473,5 млрд** сўм маблағ ажратилди.

2024 йил **26** августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПФ–124-сон** Фармони соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтарди. Ҳужжатнинг стратегик мақсади фуқаролик жамияти институтларини **қўллаб-қувватлаш тизимини марказлаштириш, рақамлаштириш** ва пировардида ижтимоий самарадорликни оширишдан иборат бўлди.

Фармон мавжуд тарқоқ механизмларни ягона тизимга солиш ва **бюрократик тўсиқларни минималлаштиришга** хизмат қилди.

⁴⁰ Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ҳақида. <https://ngo.gov.uz/ru/about-us/supreme-assembly>

Хусусан, **давлат субсидияси, гранти ва ижтимоий буюртмаларини** ажратиш билан боғлиқ барча жараёнлар **“ngo.gov.uz” ягона электрон платформаси** орқали амалга оширилиши белгиланди. Платформа фуқаролик жамияти институтларига Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ўтказадиган **танловлар йўналишларини шакллантиришда бевосита иштирок этиш** имконини берди.

Бундан ташқари, **танловларнинг барча босқичлари**, шу жумладан, ариза беришдан танлов натижасини эълон қилишгача барчаси **рақамлаштирилиб, инсон омили минимал даражага** туширилди, иштирокчилардан **ортиқча ҳужжатлар сўралишига чек қўйилди**.

Энг муҳими, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги бевосита иштироки учун янги имкониятлар очиб берилди.

Ижтимоий шериклик институтини амалда ривожлантириш бўйича ташкилий ва ҳуқуқий шароитлар яратилди, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш таъсирчанлиги оширилди.

Давлат органларига фуқаролик жамияти институтларининг **ташаббусли ижтимоий шериклик лойиҳаларини БҲМнинг 1000** бараваригача **танловларсиз молиялаштириш** ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, **2005 йилда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси** таркибида тузилган **Нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** ҳам нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширмоқда⁴¹.

Хусусан, Фонд томонидан **2021-2025 йилларда жами 235** та мақсадли лойиҳага умумий **13,7 млрд сўм** йўналтирилди.

Экспертлар таъкидлашича, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари фақат муаммоларни кун тартибига олиб чиқувчи тизим эмас, балки давлатнинг **тўлақонли ижтимоий шериги** сифатида шаклланиб бормоқда.

⁴¹ <https://lex.uz/docs/1711871>

Улар жамиятдаги долзарб масалаларни илгари суриш билан чекланиб қолмай, уларни бартараф этишнинг амалий ечимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва ташаббускор гуруҳлар аҳолининг эҳтиёжларини ўрганиш, заиф қатламларни қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, гендер тенглигини таъминлаш, ижтимоий хизматларни кўрсатиш каби йўналишларда давлат билан ҳамкорликда муҳим лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу эса уларнинг жамиятдаги мавқеи ва таъсир кучининг ортиб бораётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари қонун ижодкорлиги жараёнларида, давлат дастурлари ва стратегиялари таҳлилида, мақсадли гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим эксперт ва жамоатчилик салоҳиятини тақдим этмоқда.

Уларнинг фикр ва таклифлари қонунчиликни такомиллаштириш, қарорлар қабул қилишда очиқлик ва инклюзивликни таъминлашда муҳим омилга айланмоқда.


Натижада, фуқаролик жамияти институтлари давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамловчи, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётга ҳисса қўшувчи **стратегик шерик сифатида** фаолият юритмоқда. Бу тенденция мамлакатда **халқпарвар ва очиқ бошқарув моделининг шаклланишига** хизмат қилмоқда.

II. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ – ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ҲАМКОРИ

1-§. Давлат дастурлари ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки

2017 йилдан мамлакатда ислоҳотларнинг узлуксизлиги ва мослашувчанлигини таъминлаш ҳамда жадал ўзгаришлар ва комплекс ислоҳотларни тизимлаштириш мақсадида беш йиллик дастурлар қабул қилиш тизими йўлга қўйилди.

Хусусан, Янги Ўзбекистонни стратегик ва босқичма-босқич ривожлантиришга асосланган: **“Ҳаракатлар стратегияси”**⁴² ислоҳотларнинг бошланғич асосини яратган бўлса, **“Тараққиёт стратегияси”**⁴³ унинг тизимлаштирилган давоми бўлди. Яқунда келажак пойдевори сифатида **“Ўзбекистон–2030”** стратегияси⁴⁴ қабул қилинди.



Бу амалиёт мамлакатнинг **“доимий ҳаракатда”** эканлигини, **“муаммоларни инкор этмаслигини”** ва **“янгиликни тайёрлигини”** намойиш этди ҳамда халқаро ва маҳаллий даражада **“Янги Ўзбекистон”** ўзига хос сиёсий брендга айланди.

Стратегияларда белгиланган вазифалар ижроси натижасида эришилган ютуқлар кейинги йил учун янги мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқишни ҳамда муҳим йўналишларни аниқлаштиришни тақозо этиб бормоқда.

⁴² <https://lex.uz/docs/3107036>

⁴³ <https://lex.uz/docs/5841063>

⁴⁴ <https://lex.uz/docs/6600413>

Бу дастурларни қабул қилиш амалиёти нафақат зарурий, балки бир қатор муҳим ижобий самараларни, аynиқса, жамоатчилик билан мулоқот ва шаффофликни ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ва аҳолининг ислохотлардаги иштирокини таъминламоқда.

Янги Ўзбекистонда тараққиёт босқичининг муҳим хусусияти – давлат бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш ҳисобланади.

Жумладан, “**Ҳаракатлар стратегияси**”, “**Тараққиёт стратегияси**” ва “**Ўзбекистон–2030**” стратегияси ва уларнинг асосида ҳар йили қабул қилинаётган дастурларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳаллалар давлатнинг “ижтимоий шериклари” сифатида белгиланди. Натижада Ўзбекистондаги давлат дастурларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг кескин ўсиш суръати кузатилди. Агар **2021** йилда бор-йўғи **30** та нодавлат нотижорат ташкилотлари дастурларда қатнашган бўлса, **2025** йилга келиб уларнинг сони **80** тага етди.



Бу ўсиш фуқаролик жамияти институтларининг нафақат сони, балки таъсир доираси кенгайиб, уларнинг давлат дастурларидаги **350** та банднинг ижросида бевосита иштирокчига айланганини кўрсатмоқда. Уларнинг иштироки асосан ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ахборот-таҳлилий ишлар, жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат бўлмоқда ва айрим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда давлатга ёрдамчи куч сифатида шаклланмоқда.

Айниқса, давлат дастурларида кўзда тутилган аҳолининг заиф қатламларига ёрдам кўрсатиш, ногиронлиги бор шахсларни ижтимоийлаштириш, хотин-қизлар ва ёшларни касбга йўналтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлаш каби соҳаларда нодавлат нотижорат ташкилотлари давлатга қараганда мослашувчан ва мақсадли хизматларни таклиф этмоқда.

Маънавият ва маърифат маркази “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, динлараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида терроризм, экстремизм ғояларига қарши иммунитетни шакллантиришга қаратилган тадбирларни амалга оширди.

“Digital Generation Uzbekistan” ННТ республика даражасида **Google, Amazon, Microsoft** каби халқаро компанияларнинг эксперт ва мутахассислари иштирокида **“Raқamli Avlod Qizlari”, “Raқamli Avlod IT festivali”**, **IT мусобақалари ва оромгоҳлари** лойиҳаларини амалга оширди. Уларда ёшларга сунъий интеллект, дастурлаш, робототехника, медиа ва рақамли маркетинг, дизайн ва **“soft skills”** ўргатилди.

“Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази” ННТ **8 минг** нафаргача ёшларни замонавий касбларга ўқитиш ва малакаларини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашди.

Ўзбекистон волонтерлари ассоциацияси 2021-2025 йилларда **35 мингта** лойиҳани амалга оширди. Хусусан, Давлат хизматлари марказларида **4 340 нафар** фуқароларга онлайн хизмат ва **3 597 нафар** меҳнат мигрантларига ҳуқуқий ёрдам олишда кўмаклашди.

Шунингдек, **13 мингта** давлат, **12,5 мингта** ижтимоий, **2 мингта** маданият, **800 та** ҳуқуқий, **40 та** халқаро, **60 та** спорт йўналишидаги тадбирларга жами **100 минг нафар** волонтерлар жалб қилинди.

“Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари учун ҳақиқий ижтимоий-тиббий қалқон вазифасини бажармоқда.

Хусусан, жамғарма республиканинг чекка ҳудудлардаги қишлоқ аҳолиси учун мунтазам равишда бепул чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ташкил этди, **2024-2025** йилларда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **1 млрд** сўмлик тиббий-ижтимоий ва хайрия ёрдамлари кўрсатилди.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат дастурларини амалга оширишдаги роли ва кўлами нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам ривожланаётганини тасдиқлайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда давлатнинг ёрдамчиси ва ҳатто айрим соҳаларда инновацион хизматлар етказиб берувчиси сифатида шаклланмоқда. Ватанпарварликни мустаҳкамлаш ва экстремизмга қарши курашда фаол қатнашмоқда. Иқтисодиёт ва бандлик соҳасида ёшларни замонавий касбларга ўқитиш орқали ислоҳотларни тезлаштирмоқда.

Таъкидлаш керак, сўнгги йилларда **маҳалла институти** ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжларини манзилли равишда қондириш ва фуқароларнинг ислоҳотларда фаол иштирок этишини рағбатлантиришда самарали механизм сифатида **давлат сиёсатида муҳим ўрин эгаллади.**

Маҳаллаларнинг **давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этишдаги функционал мақоми** тубдан ўзгармоқда. Улар эндиликда фақатгина бажарувчи эмас, балки аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, локал дастурларни шакллантирувчи ва уларни бажаришга буюртма берувчи асосий субъектга айланди.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва **“Ёшлар дафтари”** каби манзилли ижтимоий дастурлар бугунги кунда тўлиқ ваколат ва масъулият асосида **“маҳалла етилиги”**га топширилди.



Хусусан, ўтган йиллар давомида **“Аёллар дафтари”** орқали **4,5 млн** эҳтиёжманд, кам таъминланган хотин-қизларга уй-жой ва яшаш шароитини яхшилашга ёрдам кўрсатилди.

“Ёшлар дафтари” орқали **2024** йилда **180** минг нафар ёшларга **345 млрд** сўмлик⁴⁵, **2025** йилда **107** минг ёшларга **338 млрд** сўмлик субсидия берилди⁴⁶. Ўтган **8** йилда ёш тадбиркорлар сони **3 карра** кўпайди, бугунги кунда бизнес вакилларининг салкам **40 фоизини** ёшлар ташкил этмоқда⁴⁷.

Умуман, охириги **8** йилда амалга оширилган ислохотлар натижасида **“ижтимоий дафтарлар”**даги **8,5 млн** аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

“Маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла” принципи асосида **4 млнга** яқин оилалардаги муҳит ўрганилган ва камбағал, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларнинг **320** мингдан ортиқ хонадонлари таъмирланиб берилди.

Давлат дастурларида асосий мақсад сифатида белгиланган камбағалликни қисқартириш ва аҳолини иш билан таъминлаш асосан **“маҳалла етилиги”** томонидан амалга оширилмоқда.

Хусусан, ҳоким ёрдамчилари маҳалладаги ҳар бир оила ва ижтимоий дафтарларга киритилган шахслар билан ишлаб, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, кредит олишда кўмаклашиш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича давлат дастурларининг манзилли ижросини таъминламоқда.

“Маҳалла етилиги” орқали кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби **100** дан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилгани **8,5 млн** фуқаронинг камбағалликдан чиқишига ва ишсизлик даражасининг **2 баравар** қисқаришига олиб келди.

Маҳалла тизими – миллий ғоянинг амалий ҳаётга татбиқ этилишини таъминловчи, тарихий-маданий қадриятларнинг сақланиши ва маънавий тарбиянинг узлуксизлигини кафолатловчи ноёб ижтимоий-маърифий ўчоққа айланди.

⁴⁵ https://t.me/Press_Secretary_Uz/5393

⁴⁶ https://t.me/Press_Secretary_Uz/4380

⁴⁷ https://t.me/Press_Secretary_Uz/5393

Айнан маҳалланинг бевосита аралашуви туфайли фуқаролар ягона миллий ғоя атрофида бирлашиб, аждодлар меросига эҳтиром, Ватанга муҳаббат ва ижтимоий ҳамжиҳатлик руҳи мустаҳкамланди.

Буни маҳалла тизими давлатнинг энг асосий ва ноёб ижтимоий-психологик қалқони сифатида **920 мингдан ортиқ оилани нотинчликдан халос этганида** ва **73 мингдан зиёд ажралиш ёқасидаги оилалар яраштирилганида кўриш мумкин.**

Бу эса маҳалланинг **ижтимоий адолатни** ва **миллий қадриятларни** асрашдаги беқиёс самарадорлигини тасдиқлайди.

Аҳоли муаммоларини **“хонадонбай”** ўрганиш ва ҳал этиш тизимини рақамлаштириш, **“маҳалла еттилиги”** томонидан бевосита хонадондан туриб мурожаат қабул қилиш ва ижросини назорат қилиш имконини берувчи **“Обод маскан”** мобил иловаси ишга туширилди.

“Рақамли маҳалла” платформаси жорий этилиши натижасида эса статистик кўрсаткич ва маълумотлар маҳаллалар кесимида юритилиши жорий этилди. Жумладан:

– **9 008 та** маҳалла, **208 та** туман (шаҳар), **14 та** ҳудуд ва республика **“баланси”**га киритилган **25 йўналишдаги 401 та** кўрсаткич **рақамлаштирилди;**

– инфратузилма, ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик, оилавий ажрим, **“Яшил макон”, “Обод хонадон”, “Обод кўча”,** аҳоли даромадини ошириш каби муаммоларни ҳал қилиш учун жорий этилган **“Омбор дафтари”** тўлиқ рақамлаштирилди;

– аҳолини **“еттилик”**ка тўғридан-тўғри мурожаат қилиш **tizими жорий этилди;**

– хорижга кетганлар ва қайтганлар бандлигини таъминлаш, кетиш истагида бўлганларни тил ва касбга ўргатиш мақсадида **Миграция модули** ишга туширилди.



Фуқаролар томонидан маҳалладаги муаммолар, таклифлар ва ташаббусларни вазирлик ва идораларга электрон тарзда юбориш ҳамда маҳалланинг истиқболли лойиҳалари юзасидан аҳолига онлайн овоз бериш тизими “Ташаббусли бюджет” йўлга қўйилди. Бу ўз навбатида фуқароларнинг бюджет жараёнидаги иштирокини янги босқичга кўтарди. Хусусан, 2021-2025 йилларда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаларида 5 мингдан ортиқ маҳаллалар ғолиб бўлиб, уларнинг инфратузилма билан боғлиқ муаммолари ҳал этилди.

“Ташаббусли бюджет” тизими маҳалла аҳлини фуқаролик ташаббуси асосида бирлаштирувчи, уларнинг ўз ҳудуди тақдирига бевосита эгаллик ҳиссини кучайтирувчи муҳим ижтимоий-демократик лойиҳага айланди.

Биргина 2025 йилнинг ўзида ушбу портал орқали 21,5 млн нафар фуқаро овоз бериш жараёнида фаол қатнашди ва ўз ҳудудидаги муаммоларни ҳал этиш учун 6,7 трлн сўмдан ортиқ маблағни йўналтиришга эришди. Бу аҳолида “дахлдорлик ҳисси”ни уйғотиб, жамоатчилик назоратини кучайтирди.

Бу механизм маҳалла аҳолисининг уюшқоқлигини ошириш ва жамоатчилик назоратини мустаҳкамлашнинг энг самарали воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлат дастурларини амалга ошириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳалла институтларининг иштироки изчил кенгайиб, ислохотларнинг амалий натижага йўналтирилган ижрочи ва тезкор шеригига айланмоқда.

Масалан, экологик лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ташаббус қилинган плоггинг акциялари мамлакат миқёсида оммалашди, ижтимоий ҳимоя йўналишида тиббий-ижтимоий хизматларни улар орқали етказиш амалиёти шаклланди.

Ушбу тенденциялар, ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларининг шаффофлик ва ижтимоий жавобгарлик тамойиллари асосида ривожланиши учун амалий замин яратмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳаллаларнинг давлат билан тенг шерикликдаги иштироки аҳоли эҳтиёжларини аниқлашда, ҳудудий муаммоларга жавобгарликни оширишда ҳамда ислохотларнинг реал самарасини таъминлашда муҳим омилга айланмоқда.

2-§. Оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик журналистикасининг (блогерлар) давлат органлари фаолияти шаффофлигини таъминлашдаги ўрни

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири – давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашдан иборат ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги Конституция ва “**Оммавий ахборот воситалари тўғрисида**”ги Қонун оммавий ахборот воситаларига жамоатчилик манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари фаолияти ҳақида ахборот тарқатиш ҳуқуқини берди. Мазкур ўзгаришлар оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик журналистикасининг демократик жараёнлар ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва нуфузини оширди.

Маҳаллий газеталар, теле-радиоканалларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлади, энг асосийси, матбуотда фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини шакллантирди.

Жамиятда демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, дунёда ва мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумотлар етказиш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Бу жараёнда **оммавий ахборот воситалари** ҳамда **фуқаролик журналистикаси**, яъни блогерлар **муҳим ижтимоий куч сифатида ижтимоий-сиёсий майдонга** чиқди. Натижада уларнинг ўрни фактларни очиш, муаммоларни муҳокамага ундаш ва ҳисобдорликни оширишда намоён бўлди.

Ўзбекистондаги очиқлик сиёсати шароитида давлат органлари матбуот хизматлари ва уларнинг раҳбарлари давлат ва жамоатчилик ўртасидаги асосий **мулоқот кўприги** вазифасини бажармоқда.

Уларнинг фаолияти ҳукумат органларининг ҳисобдорлигини ошириш, тезкор ахборот алмашинуви ва коррупция хавфини камайтиришда ҳал қилувчи ўрин тутмоқда.

Матбуот хизматлари расмий каналлар орқали воқеа-ҳодисалар юзасидан оператив маълумот бериб, миш-мишлар, ёлғон хабарлар (*фейклар*) тарқалишининг олдини олмоқда ва жамоатчиликнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминламоқда.

Масалан, **Ички ишлар вазирлиги Матбуот хизмати** давлат органлари очиқлиги сиёсатини амалий татбиқ этувчи етакчи шахслардан бирига айланди.

Унинг фаолияти ИИВ имижини кескин ўзгартиришга ва ҳуқуқ-тартибот органларининг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини янги босқичга кўтаришга, ахборот майдонида **ИИВ ва жамоатчилик ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга** хизмат қилмоқда.

Хусусан, шахсий ва ИИВ расмий каналлари орқали тезкор муносабат ва маълумотларни кечиктирмасдан бериш амалиётини жорий қилди. Бу, айниқса, йирик ЙТХ ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда асоссиз миш-мишлар тарқалишининг олдини олмоқда. Шу ўринда, блогерлар ва журналистларнинг танқидига шахсий адоват сифатида эмас, балки муаммога ечим топишга қаратилган туртки сифатида қараш амалиётини шакллантирди.

Анъанавий оммавий ахборот воситалари, айниқса телевидение давлат органларининг фаолиятидаги камчиликларни тизимли равишда жамоатчиликка олиб чиқиш ва эътиборни уларга қаратишда муҳим ўрин тутмоқда.

Масалан, “**O‘zbekiston 24**” телеканалининг махсус “**Ахборот 24**”, “**Муносабат**” каби кўрсатувларида турли вазирлик ва ҳокимликлар фаолиятидаги муаммоли масалалар, аҳоли шикоятлари ҳамда ижро интизомидаги сусткашликлар танқидий таҳлил қилинмоқда.

Ўзбекистондаги энг йирик “**MY5**” хусусий медиа телеканали баъзи ижтимоий-сиёсий кўрсатувлари орқали давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, телеканалнинг ҳуқуқий, маиший ва ижтимоий муаммоларга қаратилган ток-шоулари аҳоли шикоятларини ёритиш орқали давлат ташкилотларини ўз вазифаларига нисбатан ҳисобдорлигини оширишга мажбур қилмоқда.

Бу ҳолат давлат органларининг муаммони тезкор ва юқори даражада тан олишига ҳамда уни ҳал этиш учун зарур бўлган ижтимоий босимни юзага келтирмоқда.

Kun.uz ва **Qalampir.uz** каби онлайн нашрлар давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар лойиҳаларини чуқур таҳлил қилмоқда. Бюджет сарф-харажатларига оид очиқ маълумотларни ўрганиш орқали молиявий шаффофликни оширишга ва давлат харидлари билан боғлиқ турли ноқонуний ҳолатларни ошкор этишга ёрдам бермоқда.

Масалан, **Kun.uz**нинг **YouTube** платформасида жойлаштирилган контентларнинг ўртача кўришлар сони **140 минг** мартадан зиёдни, жами **1,5 млрд** мартани⁴⁸, **Qalampir.uz**да эса бу кўрсаткич **106 минг** мартани умумий ҳисобда **392 млн** мартани ташкил қилмоқда⁴⁹.

Соҳадаги тизимли ўзгаришлар таҳлилчи блогерлар ва жамоатчилик фаолларини нафақат муаммоларни ошкор этувчи куч, балки давлат органлари фаолиятини тизимли ва чуқур таҳлил қилиш орқали, жамоатчиликнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини оширувчи ҳамда давлат сиёсатининг очиқлик, ҳисобдорлик ва инсон қадрини устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилишига эришувчи **асосий катализатор сифатида** шакллантирди.

Масалан, блогер ва жамоатчилик фаоли **Хушнуд Худойбердиев** Ўзбекистондаги фуқаролик журналистикасининг флагмани бўлиб, унинг фаолияти ва айниқса, подкастлари давлат органларининг фаолиятини жамоатчилик назоратига очишда, муаммоларни тезкор ошкор этишда ҳамда ижро интизомини кучайтиришда энг самарали механизмлардан бири ҳисобланмоқда.

⁴⁸https://www.youtube.com/channel/UCVPst_iSyaVYpuOP4ogRhlw

⁴⁹ <https://www.youtube.com/@qalampir.official>

Унинг “**Lolazor**”⁵⁰ подкастида давлат органлари амалдорлари, жамоатчилик фаоллари ва экспертлари иштирокидаги очиқ ва чуқур интервьюлар орқали, давлат органларининг фаолиятидаги қарор қабул қилиш механизмлари жамоатчиликка етказилмоқда. Бу эса шаффофликни амалда таъминлаб, ҳисобдорликни оширмоқда.

Блогерлар ижтимоий тармоқлар орқали аҳолининг ҳаёти билан боғлиқ муаммоларни тезкорлик билан ошкор этиб, давлат органларини жойларда ҳисобдор бўлишга мажбурламоқда.

Шунингдек, ҳудудларда ободонлаштиришдаги камчиликлар, ижтимоий объектлар қурилишидаги коррупция аломатлари ёки мансабдорларнинг ғайриқонуний ҳаракатларини жонли ёки тезкор видео-репортажлар орқали тарқатмоқда.

Экспертлар фикрига кўра, соҳада амалга оширилган ислоҳотлар “**Халқ назорати**” амалиётини шакллантирди.

Оммавий ахборот воситалари, онлайн нашрлар ва фаол блогерларнинг мавжудлиги давлат органларининг фаолиятидаги яширинлик элементларини йўқотишга қаратилган муҳим тизимни вужудга келтирди.

Улар, биринчи навбатда, ахборот алмашинувини тезлаштириш ва давлатнинг жавобгарлик даражасини ошириш орқали демократик ислоҳотларнинг ажралмас қисмига айланди.

⁵⁰ <https://www.youtube.com/@XushnudbekXudoyberdiyev>

3-§. Жамоатчилик назорати механизмлари

Янги Ўзбекистондаги очиқлик ва шаффофлик сиёсатининг бош мақсадларидан бири фуқаролик жамияти институтларининг давлат сиёсатига таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш, **“очиқ давлат”** тамойилини қарор топтириш ҳамда бу билан давлат органларининг ҳисобдорлигини ошириш учун ҳуқуқий ва ташкилий асос яратиш бўлди. Бунда **“Жамоатчилик назорати қанчалик кучли бўлса, давлат шунчалик халқчил, эркин ва адолатли бўлади”**⁵¹ тамойилини ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Натижада Ўзбекистонда жамоатчилик назорати тушунчаси **декларатив тусдан амалий институтга айланди** ҳамда **пассив кузатувдан фаол иштирок этувчи** механизмга трансформация бўлди.

Мазкур жараёнда фуқаролик жамияти институтлари нафақат давлат қарорларидаги камчиликларни кўрсатувчи, балки қарор қабул қилиш жараёнига бевосита кирувчи ва давлат органлари фаолиятининг очиқлигини қонуний талаб қилувчи тенг шерикка айланди. Бу ўзгаришларга демократик ислоҳотларнинг асоси сифатида қаралди ва унинг қонуний асослари мустаҳкамланди.

Хусусан, Янги таҳрирдаги Конституциянинг **36-моддасида** фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи, жумладан, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилиши белгиланди. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланиши қайд этилди.

2018 йил 12 апрелда қабул қилинган **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”** ги Қонун давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар тартибини белгилаб берди. Қонунда жамоатчилик назоратининг мақсади, принциплари, шакллари, субъектлари ва объектлари аниқ белгилаб берилди.

⁵¹ Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <https://www.president.uz/uz/3119>

2017 йилдан амалга оширилган **учта стратегик дастур** жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий кафолатлашдан амалий натижадорликка ўтишини таъминловчи узлуксиз жараённи шакллантирди.

Хусусан, **“Ҳаракатлар стратегияси”** даврида ҳуқуқий пойдевор яратилди, **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги Қонун ва **“Халқ қабулхоналари”** каби институтлар орқали фуқаролик жамияти институтларининг назоратдаги роли қонуний тан олинди ва очиқ мулоқот учун каналлар очилди.

“Тараққиёт стратегияси” даврида жамоатчилик назоратининг таъсирчан шакллари жорий этилди, фуқаролик жамияти институтлари давлат функцияларини амалга оширишга кенг жалб қилинди, уларга бюджет шаклланиши ва ижроси устидан назорат қилиш ваколатини бериш орқали назорат сифат жиҳатидан кучайтирилди.

“Ўзбекистон–2030” стратегияси жамоатчилик назоратини янги bosқичга олиб чиқди, унинг кенглиги ва амалий самарадорлигини кескин оширди. Бунга асосан иккита механизм хизмат қилди.

Биринчидан, жамоатчилик бошқаруви ва назоратнинг асосий таянч нуқтаси сифатида маҳалла институтининг родини кучайтириш;

Иккинчидан, рақамли онлайн платформалар яратиш орқали аҳолининг Давлат дастурларини баҳолаш ва ижросида бевосита интеграциясини таъминлаш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3837-сон Қарори**⁵² жамоатчилик назорати механизмининг ривожланишида ҳал қилувчи ва амалий аҳамиятга эга бўлди.

Агар **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги Қонун назоратнинг ҳуқуқий асосини яратган бўлса, **ПҚ–3837-сон Қарор** назоратни амалий тизимга киритди.

⁵² <https://lex.uz/docs/3808838>

Қарор ҳар бир марказий давлат ва хўжалик бошқаруви органи ҳузурида Жамоатчилик кенгашларини ташкил этишни мажбурий қилиб қўйди. Бу билан жамоатчилик назорати вақтинчалик ташаббусдан чиқиб, давлат бошқарувининг доимий фаолият юритувчи, маслаҳат-кенгаш органига айланди.

Жамоатчилик кенгашининг фаолияти давлат органининг барча ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотларига татбиқ этилиши назорат механизмини марказдан ҳудудларгача кенгайтирди.

“Mening fikrim” жамоавий электрон мурожаатлар портали ҳамда **“regulation.gov.uz”** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш портали жамоатчилик назоратини “халқ билан мулоқот” босқичидан рақамли ва институционал иштирок даражасига олиб чиқди. Масалан, **“regulation.gov.uz”** порталида муҳокама қилинган жами **33 454** та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга фуқаролар томонидан **81 677** та таклифлар⁵³, **“Mening fikrim”** жамоавий электрон мурожаатлар порталига фуқароларнинг жамиятдаги турли муаммолар ечимлари юзасидан **8 101** та мурожаатлари келиб тушди⁵⁴.

Бу механизмлар фуқаролик жамияти институтларига қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ва қабул қилинаётган қонун лойиҳаларини бевосита экспертиза қилиш имконини бериб, назоратни амалий, проактив ва шаффоф жараёнга айлантирди.

Амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ва яратилган ҳуқуқий асос жамоатчилик назоратини ташкил этишда фундаментал тушунчаларни, яъни назоратнинг субъектлари, объектлари ҳамда турларини аниқ ва тизимли белгилаб берди.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунга кўра фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари **жамоатчилик назоратининг субъектлари** бўлса, давлат органлари ва уларнинг фаолияти, қабул қилинаётган **қарор** ва **бюджет маблағлари объекти** ҳисобланади.

⁵³ <https://regulation.gov.uz/oz>

⁵⁴ <https://petition.gov.uz/uz>

Жамоатчилик назоратининг самарадорлигини таъминлаш учун қонунчиликда унинг турлари ва механизмлари белгиланган бўлиб, улар субъектлар томонидан объектларга турлича таъсир кўрсатиш имконини берди. Жамоатчилик эшитуви ва муҳокамаси, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик сўрови, очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш каби механизмлар ушбу қонуннинг амалиётда самарали ишлашига имкон берди.

Назоратнинг бу доирадаги кенг турлари фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат органлари фаолиятини шаффофлаштириш ва уларнинг ҳисобдорлигини ошириш мақсадида амалий қўллаб келинмоқда.

Жумладан, фуқаролар ва фаол блогерларнинг ижтимоий тармоқлар орқали олиб борган назорати давлат органларининг экологик масалалардаги ҳисобдорлигини оширишда ва атроф-муҳитга зарар етказишни олдини олишда энг кескин восита бўлди. Масалан, блогерлар ва жамоатчилик фаолларининг **Тошкент** шаҳри ва бошқа ҳудудларда **ноқонуний дарахт кесиш** ҳолатларини мунтазам равишда ошкор қилиб бориши жамоатчиликда катта резонанс келтириб чиқарди.

Шунингдек, айрим **йирик ва ихтисослашган** нодавлат нотижорат ташкилотлар амалга оширган жамоатчилик мониторинги давлат органларининг бюджет маблағларини сарфлашдаги шаффофлигини оширди ҳамда **жамоатчилик молиявий назоратини кучайтирди**.

Масалан, **Иқтисодий ривожланиш маркази (CED)** Ўзбекистондаги иқтисодий сиёсат, давлат харидлари ва бюджет самарадорлиги устидан мустақил ва профессионал жамоатчилик экспертизаси ҳамда танқидий мониторинг олиб борувчи асосий субъектлардан бири ҳисобланади.

Марказ фаолияти давлат қарорларининг фундаментал иқтисодий асосланганлигини очиқ муҳокама қилишга мажбурлаш орқали назоратнинг интеллектуал даражасини оширмоқда.

CED экспертлари, айниқса, **Юлий Юсупов** давлат харидларининг шаффофлигини таъминлаш, табиий монополияларнинг нарх белгилаш сиёсатидаги камчиликлар ва давлат корхоналарининг молиявий самарасизлиги бўйича мунтазам равишда таҳлилий ҳисоботлар ва очиқ мақолалар эълон қилмоқда.

Бу каби жамоатчилик мониторинглари натижасида давлат органлари бу соҳаларда шаффофликни оширишга ва ислохотларни жадаллаштиришга мажбур бўлмоқда.

Шунингдек, марказнинг мутахассислари “**regulation.gov.uz**” портали ва бошқа очиқ муҳокама майдонларида солиқ, ер муносабатлари ҳамда ташқи савдога оид қонун лойиҳаларига кескин ва асосланган эксперт хулосаларини тақдим этмоқда. Уларнинг бу жамоатчилик экспертизаси сиёсий қарорларни қабул қилишда илмий асосланганлик даражасини оширишга ҳамда фуқаролик жамияти манфаатларини ҳисобга олишга хизмат қилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари Янги Ўзбекистондаги очиқлик сиёсатининг асосий кафолати ва жамоатчилик назоратининг энг кучли, таъсирчан ва тезкор воситаси сифатида тан олинди. Уларга берилган ҳуқуқий ваколатлар уларнинг давлат органларини мажбурий ҳисобдорликка тортувчи асосий субъектга айланишини таъминлади.

Оммавий ахборот воситаларининг танқидий журналистик текширувлари давлат идораларидаги мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва коррупция ҳолатларини ошкор этишда ва бу билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳисобдорлигини оширишда асосий катализатор вазифасини бажармоқда. Масалан, **Gazeta.uz** ва **Kun.uz** каби йирик электрон нашрлар томонидан йирик давлат харидлари, ер ажратиш жараёнларидаги коррупцион схемалар ҳақида мунтазам тергов материаллари эълон қилинмоқда.

Хусусан, **Kun.uz** сайти мактабларда мажбурий обуна ва маҳаллийлаштирилган йиғимлар, айниқса, мактаб директорлари томонидан ўқитувчи ҳамда ота-оналардан газета ва журнал обуналари, таъмирлаш, ободонлаштириш каби ишлар учун ноқонуний пул йиғимларини танқид қилди. Шунингдек, ободонлаштириш ва пахта терими ишларига бюджет ташкилоти ходимларининг мажбурий жалб этилиши бўйича қатор танқидий мақолалар эълон қилинди.

Gazeta.uz интернет нашри эса Тошкент шаҳридаги тарихий ва маданий мерос объектлари биноларнинг бузилиши, ноқонуний қурилишлар, “**яшил ҳудудлар**”нинг йўқ қилинишини танқид қилди.

Шунингдек, қиш мавсумидаги газ ва электр таъминотидаги узилишлар, йўл инфратузилмасидаги камчиликлар ҳақида ижтимоий тармоқлардаги фуқароларнинг муурожаатлари **Daryo.uz** ҳамда **Qalampir.uz** каби ахборот сайтлари томонидан ёритилмоқда. Бундай оммавий назорат натижасида Ҳукумат даражасида тезкор йиғилишлар ўтказилишига, муаммоларни ҳал қилиш учун қисқа муддатли аниқ чора-тадбирлар режаси қабул қилинмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг бу каби танқидий чиқишлари давлат органларини ҳар бир танқидга очиқ жавоб беришга ва ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлашга ундовчи янги “**жавоб қайтариш**” маданиятини шакллантирди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати субъекти сифатидаги ролини кучайтириш, уларнинг назорат функцияларини кенгайтиришга оид тизимли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, қабул қилинган стратегик дастурларда маҳалла назоратнинг ҳудудий ва фундаментал таянчига айлантирилди. Унинг роли нафақат фуқароларнинг фикрини жамлаш, балки давлат органларининг энг қуйи бўғиндаги фаолиятини бевосита мониторинг қилиш орқали манзилли ҳисобдорликни таъминлашга қаратилди.

Давлат органларининг ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг айнан маҳалла кесимида амалга оширилиши мазкур тузилмани ҳар бир давлат хизматининг сифати устидан назорат олиб боровчи биринчи инстанцияга айлантирди.

Маҳалла кенгашларига ўз ҳудудидаги маҳаллий аҳамиятга молик бўлган қурилиш лойиҳалари, инфратузилма объектларини жойлаштириш каби масалалар бўйича қарорларни қабул қилишда жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг натижаларини мажбурий ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди. Бу эса назоратни ташаббускорлик даражасига кўтарди.

Масалан, **2025 йилда** маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ўтказилган жамоатчилик назорати тадбирларида фуқароларнинг **352 мингдан** зиёд муаммолари аниқланиб, уларнинг **313** мингтаси ҳал этилди. **16 мингга** яқин лойиҳалар маҳаллалар кесимида манзилли ўрганилди ва бажарилиши назоратга олинди.

Экспертлар фикрига кўра, **жамоатчилик назорати** механизмнинг мунтазам ривожланиши ва унинг маҳалла, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари каби турли субъектлар орқали амалиётга чуқур сингдирилиши Ўзбекистондаги ислохотларнинг **“ортга қайтмас” тамойилини** белгилади.

Назоратнинг лойиҳалар экспертизаси бюджет сарф-харажатларининг мониторингига бўлган кенг қамрови, давлат амалдорларининг паст даражадаги эътиборсизлиги ва юқори даражадаги коррупция ҳолатларига нисбатан доимий оммавий босим яратиб, давлат бошқарувида янги ижтимоий шартнома тузилганини тасдиқлади.

Янги Ўзбекистонда жамоатчилик назорати давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро мувозанатни таъминлашда муҳим институт бўлиб хизмат қилмоқда.

4-§. Ижтимоий буюртма, грант ва субсидиялар: давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги молиявий шериклик

Янги Ўзбекистоннинг стратегик тараққиёт даври давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларни институционал ҳамда кафолатланган молиявий шериклик даражасига олиб чиқди. **Ижтимоий буюртма, грантлар ва субсидиялар** ажратиш амалиётининг кенгайиши давлатнинг ижтимоий функцияларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларини бевосита молиялаштириш ваколатини берди.

Бу механизмнинг асосий ҳуқуқий негизини **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”**ги ҳамда **“Ижтимоий шериклик тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ташкил этади.

Хусусан, **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонун фуқаролик жамияти институтларининг фаолият юритиши учун зарур бўлган молиявий мустақиллигини қонуний кафолатлади.

Қонун ташкилотларнинг ўз фаолиятини давлат грантлари, субсидиялар, ижтимоий буюртмалар, аъзолик бадаллари, хайрия маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантириш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб, уларнинг давлат аралашувисиз ишлашига асос яратди.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун эса фуқаролик жамияти институтларининг молиялаштирилишини давлатнинг ижтимоий мажбурияти даражасига кўтарди.

Ушбу Қонун давлат органларига фуқаролик жамияти институтларини устувор ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини ўрнатди. Бу эса фуқаролик жамияти институтларига давлат бюджетининг бир қисмини ижтимоий мақсадларда самарали тақсимлаш ва назорат қилиш имконини бермоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва фармонларида белгиланган вазифалар давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртмаларни фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси сифатида мустаҳкамлади.

Бу механизмлар фуқаролик жамияти институтларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини ошириш билан бирга, уларни стратегик ижтимоий шерикка айлантирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2024** йил **26** августдаги **ПФ–124-сон** Фармони билан вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳар йили фуқаролик жамияти институтларига ижтимоий буюртмалар ажратиш бўйича танловлар ўтказиш мажбурияти юклатилди.

Бу, фуқаролик жамияти институтларини молиялаштиришнинг бир марталик ҳаракатдан тизимли механизмга айлантирди ҳамда ижтимоий шерикликнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди.

Юқоридаги ижобий ўзгаришлар динамикаси фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг учта асосий молиявий устуни – давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртмаларнинг узлуксиз амал қилишини кафолатлади.

Хусусан, **давлат субсидияси** доирасида **2017-2025** йилларда **40** та нодавлат нотижорат ташкилотига жами **3 194,6 млрд** сўм маблағ йўналтирилди. Ушбу маблағлар давлат дастурлари мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ногиронларни уюштириш ва жамиятда маърифий ишларни юксалтиришга қаратилди.


Таҳлилларга кўра, **2017** йилда нодавлат нотижорат ташкилотларига ажратилган субсидиялар ҳажми **4,2 млрд** сўмни ташкил этган бўлса, **2025** йилда мазкур кўрсаткич **748** бараварга ошди.

Мазкур молиявий қўллаб-қувватлаш **Ногиронлар, Кўзи ожизлар, Кар ва соқовлар жамиятлари, миллий маданий марказлар, “Маърифат” тарғиботчилари жамияти, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди, “Ўзбеклигим – ўзлигим” ННТ, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Маҳаллалар уюшмаси** каби ташкилотлар фаолиятини таъминлашга йўналтирилмоқда.

Ушбу даврда **давлат грантлари** доирасида **3 067 та** лойиҳа **163,2 млрд сўмга** молиялаштирилиб, **4,2 млн** нафар фуқаро қамраб олинди. **25** минг нафардан ортиқ фуқарога ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ёрдам кўрсатилди. **100** мингдан зиёд фуқаронинг касбий билим ва кўникмалари оширилди.

Шу билан бирга, **2017-2025** йилларда давлат органлари томонидан эълон қилинган **163 та** ижтимоий буюртмага **119,7 млрд сўм** йўналтирилди.

2017-2025 йилларда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш



Ижтимоий буюртмалар доирасида **2 минг** нафардан ортиқ ногирон болаларга инклюзив таълим бериш тизими ва **70 та** олийгоҳда ногирон талабалар учун “**тўсиқсиз муҳит**” яратилди.

Шунингдек, **2023-2025** йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида жами **69 та** лойиҳа амалга оширилди ва уларга **5,5 млрд сўм** ажратилди⁵⁵.

Бугунги кунда мазкур соҳада “Очиқлик ва шаффофлик маркази”, “Коррупциясиз келажак”, “Ватаннинг садоқатли фарзандлари”, “Compliance Management System”, “Иммунитет коррупцияга қарши курашиш маркази” каби ташкилотлар фаолият олиб бормоқда.

⁵⁵ <https://anticorruption.uz/uz/article/korruptsiyaga-qarsi-kurasida-nntlar-faoliyatini-qllab-quvvatlas-kucaitiriladi>

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2025 йил 19 сентябрдаги қарори билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот маркази ташкил этилди.**

Жойларда ижтимоий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий бюджетлардан **2021 йилда 15,3 млрд сўм, 2022 йилда 20,1 млрд сўм ва 2023 йилда 54,5 млрд сўм, 2024 йилда 136,9 млрд сўм, 2025 йилда 74,1 млрд сўм** маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикасининг “**2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида**”ги ЎРҚ-1011-сон Қонунига⁵⁶ асосан, соҳага ажратилган маблағлар миқдори тарихий рекорд даражага – **1 трлн 276 млрд сўмга** етди.

Парламент комиссияси қарорига кўра, маҳаллаларнинг бошқарув тизимини молиялаштиришга **909,7 млрд** давлат субсидияларига **321,3 млрд** ижтимоий буюртмасига **24 млрд**, грантларига **21 млрд сўм** ажратилди.

2021 йилда маҳаллий кенгашлар ҳузурида жамоат фондларининг ташкил этилиши натижасида маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин ортди. Хусусан, **2025** йилда бу кўрсаткич **74,1 млрд сўмни** ташкил этиб, **2021** йилга нисбатан **5 бараварга** ўсди.



⁵⁶ <https://lex.uz/ru/docs/7277618>

Ажратилган маблағлар ва яратилган шароитлар жойларда аниқ ижтимоий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилмоқда. Масалан, Сурхондарё вилояти “**Аёл ва замон**” маркази давлат гранти доирасида **Денов, Термиз ва Қизириқ** туманларида ишсиз хотин-қизларни тикувчилик ва сартарошликка ўқитиб, уларга тадбиркорлик кўникмаларини ўргатди.

Маҳаллалар уюшмаси республика бўйлаб аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, иссиқхоналар қуриш орқали даромад олишни тарғиб қилди. **Андижон вилояти Қизил ярим ой жамияти** соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, ОИВ/ОИТС профилактикаси бўйича тушунтириш ишларини олиб борди.

Ногиронлар жамияти таълим муассасаларида тўсиқсиз муҳит яратилганлигини мониторинг қилиб, ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатини янгилаш ва муаммоларини ўрганишга ҳисса қўшди.

“**Эзгулик**” жамияти давлат ижтимоий буюртмаси асосида коррупцияга қарши курашиш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича тадбирлар ўтказди.

Бундан ташқари, **2025** йилда Адлия вазирлиги **Фуқаролик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш марказига** “Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги барқарор ривожланиш асосидир” ва “**Юксак салоҳият**” жамоат бирлашмасига “Ҳуқуқий Қорақалпоғистон Республикаси” – жамоат жойларида ҳуқуқий маълумотлардан мобил фойдаланиш” лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳар бир ташкилотга **187 млн** сўмдан давлат ижтимоий буюртмаларини берди⁵⁷.

Фуқаролик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш маркази лойиҳа доирасида республиканинг турли ҳудудларида, айниқса чекка жойлардаги аҳоли учун мақсадли учрашувлар, амалий семинарлар ташкил этди. Уларда жами **1000** дан ортиқ иштирокчиларга меҳнат, оила, ўй-жой, тадбиркорлик каби долзарб ҳуқуқий мавзуларда тушунтириш ишлари олиб борилди. Аҳолининг кенг қатламга мўлжалланган содда ва тушунарли тилдаги буклетлар, эслатмалар нашр этилди ҳамда тарқатилди.

⁵⁷ Адлия органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик алоқалари мустақамланмоқда. <https://gov.uz/uz/adliya/news/view/76014>

ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар ва постлар тайёрланиб, аҳолининг ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган кенг қамровли кампания олиб борилди. Лойиҳа доирасида аҳолига, хусусан, қийин вазиятга тушиб қолган фуқароларга **бепул ҳуқуқий маслаҳатлар** бериш тизими йўлга қўйилди.

Маданият вазирлиги Тўлепберген Қаипбергенов номидаги адабиёт ва санъатни ривожлантириш жамоат фондига **251 млн сўм**, **Сув хўжалиги вазирлиги** Сурхондарё вилояти “**Аёл ва шодлик**” аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш марказига **100 млн сўм** ажратди.

Миграция агентлиги Қашқадарё вилояти “**Юксалиш**” ахборот-маслаҳат ресурс марказига **217 млн сўм**, Андижон вилояти “**Меҳримиз сизга**” аёллар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказига **234 млн сўм** миқдорида давлат ижтимоий буюртмалари ажратди.

“**Юксалиш**” ахборот-ресурс маркази лойиҳа доирасида жами **200** нафардан ортиқ хорижга ишлаш учун кетаётган ва қайтиб келган фуқароларга меҳнат шартномаларини тузиш, ишга жойлашиш, хавфсизлик ва ҳуқуқий ҳимоя масалалари бўйича индивидуал маслаҳатлар берди.

Бундан ташқари, ЎзННТМА таркибидаги Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди қўйидаги **4** та йўналишда мақсадли лойиҳаларни молиялаштирди:

1. Ижтимоий ҳимоя ва хизмат кўрсатиш йўналишида 5 млрд 237 млн сўм маблағ ҳисобига **69 та** лойиҳа бажарилди. Бунинг натижасида **750 нафар** фуқаронинг бандлиги таъминланди. Ҳудудларда **пишириқ цехлари** ва **маиший хизмат** корхоналари ташкил этилди.


Инфратузилмани яхшилаш мақсадида **1 200 метр** масофага сув қувурлари тортилди, **12 мингта** хонадон сув билан таъминланди, **400** га яқин ногиронга реабилитация воситалари топширилди.

2. Ёшлар ташаббуслари ва ҳунармандчилик йўналишига 3 млрд 350 млн сўм маблағ ажратилган ва унинг доирасида **47 та** лойиҳа амалга оширилди. Натижада **600 нафар** фуқаро иш билан таъминланди ва лойиҳалар қамрови **4 675 нафар** ёшни ташкил этди.

Амалга оширилган ишлар доирасида маҳкум ва маҳкумалар касб-хунарга ўқитилди, “Устоз-шогирд” анъанаси, хаттотлик ҳамда журналистика курслари йўлга қўйилди. Имконияти чекланган шахслар учун **Брайль алифбосидаги махсус кутубхона** очилди.

3. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва спорт йўналишига жами **2 млрд 590 млн** сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, **39** та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Натижада **1 200 нафар** аҳолининг тиббий саводхонлиги оширилди, **15 нафар** турли хил касалликка чалинган беморларнинг операцияларига кўмаклашилди, ҳудудларда спорт майдонлари ва соғломлаштириш марказлари барпо этилди.

4. Нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш ҳамда уларнинг салоҳиятини юксалтириш ва экологияни асраб-авайлашга қаратилган **80** та лойиҳага жами **2 млрд 577 млн** сўм ажратилди. Энг чекка ҳудудларда **2 200 нафар** аҳоли бандлиги таъминланди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари учун ташкил этилган ўқувларда жами **5 673 нафар** тингловчи қамраб олинди.




Таъкидлаш керак, энг муҳим натижалардан бири — **Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Наманган, Хоразм** вилоятлари, **Тошкент** шаҳридаги “**Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари**” да замонавий **Ахборот-ресурс марказларининг** ташкил этилиши бўлди.

Шунингдек, ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ва ходимларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, **Давлат бошқаруви академиясида** ташкил этилган махсус курсларда **2021-2025** йилларда жами **750 нафар** тизим вакиллари малака оширди⁵⁸. Ушбу ўқувлар ва лойиҳалар давомида **30 мингдан** ортиқ аҳоли қамраб олингани соҳадаги кадрлар салоҳияти ва ижтимоий таъсир кўламининг ошганидан далолат беради.


2021-2025 ЙИЛЛАР: НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ УЧУН МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИ



Биргина мазкур фонд мисолида давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ҳажми сезиларли даражада органини кузатиш мумкин. Хусусан, **2025 йил 1 сентябрь** ҳолатига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Фондга **5 657 млрд** сўм миқдоридан субсидия ажратилди.

⁵⁸ Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ҳамкорлик. https://uza.uz/uz/posts/kuchli-fuqarolik-zhamiyatini-shakllantirish-yolidagi-hamkorlik_317895

Лойиҳаларни молиялаштириш динамикаси ҳам ўсиб бормоқда. Агар **2024** йилда **23** та мақсадли лойиҳа молиялаштирилган бўлса, **2025** йилда бу кўрсаткич **51** тага етди.



Аҳолининг долзарб ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган лойиҳаларга қарийб **5 млрд 237 млн** сўм йўналтирилди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, нодавлат нотижорат ташкилотлари фақат тарғибот билан эмас, балки аниқ **амалий ишлар** билан шуғулланмоқда. Бунинг натижасини қуйидагиларда кузатиш мумкин:

– **сув таъминотини** яхшилашга қаратилган лойиҳалар доирасида **5 та** ер ости қудуғи қазилиб, **1 та сув иншооти** ўрнатилди ва **3 км сув қувури** тортилди. Натижада **Фарғона** вилоятида **6 мингдан** ортиқ аҳоли, **Тахиатош** туманида **60** дан ортиқ хонадон ҳамда **8 та** таълим муассасаси тоза ичимлик суви билан таъминланди. **17 нафар** ижтимоий ҳимояга муҳтож ва имконияти чекланган шахсларнинг хонадони куз-қиш мавсуми олдидан таъмирлаб берилди;

– аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса чекка ҳудудларда хотин-қизларни касбга йўналтириш ишлари тизимли йўлга қўйилди. **Мўйноқ** тумани ва бошқа ҳудудларда ташкил этилган ўқув курсларида **40 нафардан** ортиқ хотин-қизлар гилам тўқиш, кулолчилик ва каштачилик сирларини ўрганди.

Экспертлар фикрига кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги молиявий шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда қуйидаги ижобий тенденциялар кузатилмоқда:

– фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан ажратилаётган **маблағлар ҳажми** йилдан-йилга **сезиларли даражада оширилмоқда;**

– грант ва буюртмалар ажратиш жараёнларини тартибга солувчи низомлар қабул қилиниб, **танловлар очиқ** эълон қилинмоқда. Бу очиқлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда;

– Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондидан ташқари, унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий муаммолар ечимига қаратилган лойиҳалари ҳам қўллаб-қувватланмоқда, бу ҳудудий муаммоларни ҳал этишга кенгроқ имконият яратмоқда;

– фуқаролик жамияти институтларини рўйхатдан ўтказиш ва хорижий грантларни олиш жараёнлари соддалаштирилиши уларнинг **молиявий фаолияти эркинлигини оширди.**

5-§. Халқаро ва хорижий донорлар билан ҳамкорлик лойиҳалари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги

Ўзбекистоннинг очиқлик сиёсати ва **2021-2025** йилларга мўлжалланган Фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида фуқаролик жамияти институтларининг халқаро донорлар билан ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги мазмун касб этди.

Бу ҳамкорлик индивидуал грантларнинг тор кўламини бутунлай ортда қолдириб, тўғридан-тўғри мамлакат миқёсидаги давлат ислохотларини қўллаб-қувватлашга қаратилган узоқ муддатли устувор стратегик дастурларга айланди.

Ҳамкорликнинг самарадорлиги шу билан белгиланадики, унинг таъсири нафақат аҳоли ҳаёти сифатини ошириш, балки барқарор иқтисодий ривожланиш ва инновацион ёндашувларни жорий этиш каби муҳим соҳаларда ўз аксини топмоқда.

Бундай кўп қиррали самарадорликка эришишда, Вазирлар Маҳкамасининг **2023** йил **4** октябрдаги **527**-сон Қарори⁵⁹ ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

У нодавлат нотижорат ташкилотлар учун халқаро грантларни олиш жараёнини тез, шаффоф ва самарали тизимга айлантириш орқали фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро донорлар ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг замонавий форматини амалий жиҳатдан мустаҳкамлади.



⁵⁹ <https://lex.uz/ru/docs/6627539>

Хусусан, қарор билан тасдиқланган “**Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ташқи манбалардан пул маблағлари ва мол-мулк олинишини келишиш ҳамда ташқи манбалардан молиялаштириладиган лойиҳаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириш тартиби тўғрисида**”ги Низом аввалги мураккаб ва узоқ давом этувчи жараёнларни қуйидагича ўзгартирди:

– ташқи манбалардан маблағ олиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш муддатини **40** кундан **15** кунга қисқартирди;

– маблағ олишни келишишда талаб қилинадиган ортиқча ҳужжатларни бекор қилди ва ҳужжатларни тақдим этиш жараёнини Адлия вазирлигининг электрон платформасига ўтказди;

– маблағларни расмийлаштиришда бир нечта идоралар билан келишиш талаби Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга ошириладиган ягона тизимга ўзгартирилди;

– пул маблағларидан ташқари, мол-мулк олиш ва уни лойиҳада ишлатиш тартиби соддалаштирилди.

Бу каби ижобий ўзгаришлар натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлар учун халқаро донорлардан маблағ ва мол-мулк олишдаги бюрократик тўсиқларни йўқ қилди, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини тезлаштирди.

Шунингдек, тартибнинг соддалаштирилиши халқаро донорлар учун Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ишлаш жараёнини янада жозибадор ва ишончли қилди, электрон тизим орқали мурожаат қилиш ва муддатларнинг қисқариши қарор қабул қилиш жараёнининг шаффофлигини оширишга хизмат қилди.

Яратилган қулай ташкилий-ҳуқуқий асослар ташқи донорларнинг маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотларга бўлган ишончини мустаҳкамлади, стратегик лойиҳалар шаклидаги ҳамкорликнинг ривожланишига замин яратди.

Буни ташқи донорлар томонидан **2018-2025 йилларда** маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотларга **301 млн** АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилганида кўриш мумкин.

Шу билан бирга, молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг нафақат сони, балки географик қамрови, соҳавий кўлами ва сифат йўналишлари ҳам кенгайди.

Хусусан, донорлар портфелининг диверсификацияси юзага келди, лойиҳалар сони ўсди, асосий эътибор **марказлаштирилган** лойиҳалардан кўра, ҳудудий ва **маҳаллий** нодавлат нотижорат ташкилотларни **қўллаб-қувватлашга қаратилди**.

Давлат органлари ва халқаро донорлар томонидан молиялаштириладиган фуқаролик жамияти институтлари лойиҳалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кучайди.

Фуқаролик жамияти институтлари лойиҳалари рақамлаштириш, киберхавфсизлик ва **сунъий интеллект** каби янги технологик соҳалардан фойдаланган ҳолда аҳолига хизмат кўрсатишга йўналтирилди.

Ушбу муваффақиятли кўрсаткичлар нафақат умумий статистик маълумотларда, балки йирик халқаро ташкилотларнинг аниқ ва стратегик лойиҳаларида ҳам ўз аксини топмоқда.

Масалан, АҚШнинг **2022–2026** йилларга мўлжалланган қиймати **10** млн АҚШ долларни ташкил қиладиган **“Ўзбекистон ёшлари ўртасида ишга жойлашиш кўникмаларини шакллантириш”** дастури доирасида Халқаро таълим бўйича **Америка Кенгаши (ACIE)** **2024** йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўқитувчиларининг малакасини оширишга қаратилган амалий тадбирлар ташкил этди.

Шунингдек, **Техник ҳамкорлик ва тараққиёт агентлигининг** (Франция, АСТЕД) Ўзбекистондаги филиали **2023** йилда қиймати **6** млн АҚШ долларидан ортиқни ташкил қиладиган **11** та лойиҳани амалга оширди. Жумладан, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида **“Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг меҳнат ҳуқуқлари ва бандлигини мустаҳкамлаш ҳамда трансформацион иқтисодий ислоҳотларни рағбатлантириш бўйича фуқаролик жамияти салоҳиятини кучайтириш”** лойиҳаси амалга оширилди.

ACTED томонидан амалга оширилган бу каби лойиҳалар халқаро ҳамкорликнинг янги форматини яққол намоён этмоқда.

Бу лойиҳаларнинг асосий самараси — фуқаролик жамияти салоҳиятини кучайтириш, шаффоф бошқарувни таъминлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларнинг иқтисодий ҳамда меҳнат ҳуқуқларини мустаҳкамлаш орқали давлат ислоҳотларини стратегик қўллаб-қувватлашдан иборат бўлди.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи ва маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик эндиликда маблағ ажратишдан ташқари, Ўзбекистонда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, медиа саводхонликни ошириш ва ахборот эркинлиги каби стратегик ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

Бу лойиҳалар гендер тенглиги ва рақамли ҳуқуқлар каби муҳим йўналишларни ҳам қамраб олмоқда.

Экспертлар фикрига кўра, халқаро донорлар томонидан молиялаштирилган лойиҳалар, айниқса, қишлоқ жойларида ичимлик суви таъминоти, таълим ва соғлиқни сақлаш каби базавий хизматларни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Ҳамкорликнинг диққат маркази инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенглиги, болалар меҳнатини тугатиш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва маҳаллий бошқарувни такомиллаштириш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда ёшларни касбга йўналтириш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва аҳолининг ишончини оширишга қаратилмоқда.

Шунингдек, хорижий донорлар талаблари фуқаролик жамияти институтларини ҳисобдорлик, менежмент ва лойиҳаларни бошқариш борасида халқаро стандартларга ўтишга ундамоқда. Бу эса нодавлат секторнинг умумий профессионал салоҳиятини оширмоқда.

III. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ЯНГИ ҚИЁФАСИ: ҲАМКОРЛИК ВА НАТИЖАЛАР

1-§. Халқаро платформаларда Ўзбекистоннинг ижобий имижини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг ҳиссаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан **2017 йилдан** бошлаб амалга оширилган **туб таркибий ислохотлар миллий ўзликни англаш, давлат ва жамият бошқаруви тамойилларини қайта белгилаб беришга қаратилган стратегик қадам** бўлди.

Барча йўналишлардаги муаммолар ва камчиликларни халқаро стандартларга мос равишда, очиқчасига ҳал қилишга қаратилган бу **сиёсий ирода**, халқаро ҳамжамият олдида Ўзбекистоннинг **“ислохотчи давлат”** сифатидаги янги, шаффоф ва ишончли имижини яратиш учун мустаҳкам замин яратди.

Ислохотларнинг асосий вектори минтақавий ва халқаро ҳамкорликка очиқ, прагматик ташқи сиёсат юритиш тамойилига ўзгарди, бу мамлакатнинг ўзини ўзи изоляция қилиш даврига якун ясади.

Бу ижобий ўзгаришлар туфайли халқаро платформаларда Ўзбекистон имижини **Марказий Осиёда** барқарорлик ва ҳамкорликнинг асосий ташаббускори сифатида шаклланди. Натижада, Ўзбекистон қўшнилари ва халқаро ҳамкорлар билан **очиқ ва прагматик** мулоқот олиб борувчи давлатга айланди.

Мамлакатда мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилиши, сўз эркинлигининг кенгайиши ва диний эркинлик бўйича эришилган натижалар туфайли Ўзбекистон эндиликда инсон ҳуқуқлари бўйича муаммоли ҳудуд сифатида эмас, балки **ислохотларни жадал олиб бораётган, БМТ стандартларига мос давлат** сифатида эътироф этилмоқда⁶⁰.

⁶⁰ https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonda-olib-borilayotgan-zhadal-islohotlar-bmt-tomonidan-izchil-qollab-quvvatlanmoqda_612498

Иқтисодий либераллашув ва миллий валютанинг эркин конвертациясига ўтилиши мамлакатни минтақадаги асосий инвестиция ва савдо марказига айлантирди. Бу имиж ташқи бозорларда Ўзбекистон маҳсулотларига ва ҳамкорлик таклифларига бўлган ишончни оширмоқда.

Амалга оширилган туб ислохотларнинг ажралмас қисми сифатида, **“Кучли давлатдан – кучли жамият сари”**⁶¹ тамойили асосида фуқаролик жамияти институтларига тарихий имкониятлар тақдим этилди. Улар давлат сиёсатининг **оддий кузатувчиси бўлиш позициясини** тўхтатиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббусларини ҳаётга татбиқ этувчи, Янги Ўзбекистоннинг халқаро имижини шакллантиришда **давлатнинг тенг ҳуқуқли ҳамкори ва элчисига** айланди.

Фуқаролик жамияти институтларига давлат томонидан кўрсатилаётган молиявий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш тизими уларнинг халқаро майдондаги фаолияти учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Улар эндиликда **миллий манфаатлар тарғиботчиси** сифатида мамлакатнинг халқаро обрўсини мустаҳкамлашга фаол ҳисса қўшмоқда ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўзгаришларни халқаро ҳамжамиятга етказишда **асосий воситачи** вазифасини бажармоқда.

Хусусан, фуқаролик жамияти институтлари фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларга фаол ҳисса қўшиш, инновацион ечимлар ишлаб чиқиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш орқали Ўзбекистон ҳақидаги ижобий тасаввурни кенгайтirmoқда.

Улар **БМТ, UNDP, UNICEF, UNESCO, UN Women, Европа Иттифоқи, Европарламент, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки** каби нуфузли халқаро сиёсий ва молия ташкилотлари билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон маҳалла тизими ходимлари ва фаолларига табриги. <https://president.uz/uz/lists/view/4250>

Қуйидаги йўналишларда фаол ҳамкорликни ривожланмоқда:

- фуқаролик жамиятини ривожлантириш;
- инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлиги;
- коррупциянинг олдини олиш;
- гендер тенглиги;
- экология ва иқлим ўзгариши;
- ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш.

Масалан, **2025** йил **11** апрель куни Ўзбекистон тарихида илк бор **мамлакат фуқаролик жамияти институтлари вакиллари Брюсселда Европарламент депутатлари билан тарихий учрашув** ўтказди⁶².

Унда Европарламент депутатларига мамлакатдаги ислохотлар, қонунчиликни либераллаштириш жараёнлари, фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлашга доир янгиликлар, Самарқандда ўтказилган **“Марказий Осиё – Европа Иттифоқи”** саммити ва Глобал иқлим форумининг аҳамияти ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Европарламент депутатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.Мирзиёев** раҳбарлигида олиб борилаётган минтақалараро интеграция, стратегик ҳамкорлик ва демократик ислохотлар юқори суръатда ривожланаётганини эътироф этдилар.

Шунингдек, **2025** йил **22-26** апрель кунлари АҚШнинг **Вашингтон** шаҳрида бўлиб ўтган **Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки йиллик йиғилишида** Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатнинг ўсиб бораётган очиқлиги ва изчил ривожланишининг исботи сифатида ижобий қабул қилинди⁶³.

Фуқаролик жамияти институтлари халқаро молиявий платформаларда Ўзбекистоннинг стратегик тараққиёт йўналишлари, хусусан, **“яшил” энергетикага ўтиш** ва минтақавий энергетика **интеграцияси** борасидаги мақсадларини профессионал тарзда тақдим этиш орқали, мамлакатнинг **инвестицион ишончилигини** оширувчи муҳим **кўприк** вазифасини бажармоқда.

⁶² <https://t.me/cadpuz/1023>

⁶³ Халқаро ҳамкорлик. <https://t.me/UzNNTMA1/4873>

Бундан ташқари, Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтлари **CIVICUS, ICSW, ECOSOC, ЕХХТ ДИИХБ** каби нуфузли халқаро платформаларда мунтазам иштирок этмоқда. Уларнинг халқаро майдондаги фаолияти қуйидаги йўналишларда намоён бўлмоқда:

– миллий ислохотлар ҳақида рус, инглиз, турк, француз каби тилларда таҳлилий материаллар ва ҳисоботлар тайёрлаш;

– инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги, фуқаролар иштироки, ижтимоий хизматлар сифати бўйича мустақил мониторинглар эълон қилиш;

– халқаро журналистлар, блогерлар ва экспертлар билан мулоқот ўрнатиб, Ўзбекистон ҳақида объектив маълумот тарқатиш;

– рақамли контент, видео ва инфографикалар орқали мамлакатдаги ўзгаришларни кенг ёритиш.

Бу билан фуқаролик жамияти институтлари нафақат ахборот тарқатмоқда, балки халқаро аудиторияда Ўзбекистонга нисбатан **ишонч, очиқлик ва шаффофлик** ҳақидаги тасаввурни кучайтирмоқда.

2025 йилнинг 7-11 июль кунлари Швейцариянинг Женева шаҳрида **БМТ** ташаббуси билан ташкил этилган **“Ахборот жамияти бўйича жаҳон саммити”** да (**WSIS+20**) Ўзбекистон фуқаролик жамияти вакиллари фаол иштирок этди⁶⁴.

Хусусан, саммитда **Прогрессив ислохотлар маркази** томонидан **“Ўзбекистонда медиа ва АКТни ривожлантириш: Рақамли инклюзия ва инфратузилмани кучайтириш”** мавзусида ўтказилган махсус панель сессияда халқаро ташкилот вакиллари ва экспертларга Ўзбекистонда рақамлаштириш соҳасидаги ютуқлар, кучли ахборот жамиятини шакллантириш ва мамлакатнинг бу борадаги миллий тажрибаси ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, **2025 йил 6-17 октябрь** кунлари **Варшава** шаҳрида **ЕХХТ ДИИХБ** ташкил қилган **“Инсонийлик мезонлари”** йиллик халқаро конференциясида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари илк бор юқори даражада иштирок этди⁶⁵.

⁶⁴ https://t.me/cpr_uz/642

⁶⁵ Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази вакиллари ЕХХТнинг “Инсонийлик мезонлари конференция”сида иштирок этмоқда. <https://t.me/cadpuz/1491>

Унда халқаро ҳамжамиятга мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, демократия соҳасидаги натижаларни етказди, фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш сиёсати бўйича аниқ фактларга асосланган тақдиротларни намойиш қилди.

Биргина **2025 йилнинг** ўзида Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтлари вакиллари **20 га** яқин халқаро **форум, конференция ва саммитларда** қатнашдилар.

Уларда фуқаролик жамияти институтлари **миллий позицияни** халқаро жамоатчиликка етказди, ислохотларни **аниқ фактларга асосланган** ҳолда тарғиб қилди, мамлакат имижини мустаҳкамлашга амалий ҳисса қўшди.

Экспертлар фикрига кўра, фуқаролик жамияти институтларининг халқаро майдондаги фаолияти Ўзбекистоннинг ижобий имижини юксалтиришда муҳим стратегик аҳамиятга эга. Чунки, фуқаролик жамияти институтлари халқаро майдонда давлат тузилмаларидан ташқари, **мустақил ва ишончли ахборот манбаи сифатида қабул қилинмоқда**. Уларнинг ҳисоботлари ислохотларнинг ҳаққонийлигини исботламоқда ва “давлат пропагандаси” ҳақидаги айбловларни йўққа чиқаришга ёрдам бермоқда.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг фаол ва эркин фаолият юритиши демократик ўзгаришларнинг қайтмас тус олганини ва бу ислохотларнинг кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётганини тасдиқламоқда.

Бу эса, мамлакат ичида ислохотларнинг инсон манфаатларига йўналтирилганлигини ва фуқароларнинг ташаббускорлиги кучайиб бораётганини намоён этмоқда.

Натижада, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро донорлар, хорижий сармоядорлар ва нуфузли ташкилотлар учун Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларга ишончли, шаффоф ва хавфсиз кириш эшигини очиб бермоқда, бу эса мамлакатга жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмининг ўсишига хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳисса Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги ўрнини мустаҳкамлашда, инвестиция ва сайёҳлик салоҳиятини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Халқаро платформаларда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг асосий хавфсизлик ва ҳамкорлик архитектори ҳамда глобал геосиёсатдаги ишончли стратегик шерик сифатида ўз миллий брендини муваффақиятли шакллантириб бормоқда.

2-§. Тизимли ислоҳотлар самарасининг халқаро индикаторлардаги ифодаси

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадрини олий даражага кўтариш, шаффоқлик ва қонун устуворлигига асосланган жамият барпо этиш”, шунингдек, “узоқ муддатли ва юқори суръатли иқтисодий тараққиётни таъминлаш” **Учинчи Ренессанс ғоясининг** асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Бу ўзгаришлар нафақат мамлакат ичида, балки халқаро майдонда ҳам жиддий акс садо берди. Ўзбекистоннинг тизимли ривожланишга ва халқаро стандартларга интеграцияга бўлган содиқлигининг объектив далили сифатида, мамлакатнинг позицияси қатор нуфузли халқаро индикаторлар, рейтинглар ва ҳисоботларда сезиларли даражада яхшиланди.

Хусусан, кейинги **5** йилда Ўзбекистон коррупцияга қарши курашиш индексида **32**, иқтисодий эркинлик индексида **31**, ҳуқуқ устуворлиги индексида **16**, логистика самарадорлиги ҳамда глобал инновация индексларида **11** поғонага юқорилашга эришди⁶⁶.

Мазкур натижалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2019** йил **17** январдаги **ПФ–5635**-сон Фармони ҳамда бошқа қарорлар орқали халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилашга қаратилган тизимли ишлар изчил амалга ошириб келинаётганининг амалий самараси ҳисобланади⁶⁷.

Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу тизимда вазирлик ва идораларнинг халқаро рейтингларни тузувчиларга керакли маълумотларни етказишда фуқаролик жамияти институтларини фаол жалб этиш вазифаси белгиланди.

Бу эса ислоҳотларнинг натижаларини халқаро миқёсда объектив акс эттиришда фуқаролик жамияти институтларининг **расмий ҳамкор сифатида** тан олинганини кўрсатади.

⁶⁶ https://uza.uz/uz/posts/halqaro-reyting-va-indekslar-bilan-ishlash-tizimi-takomillashtiriladi_609171?q=%2Fposts%2Fhalqaro-reyting-va-indekslar-bilan-ishlash-tizimi-takomillashtiriladi_609171

⁶⁷ <https://lex.uz/docs/4168749>

Айнан шу расмий тан олиш ва фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятидан фойдаланиш стратегияси ислохотларнинг нафақат ички мантиғини, балки ташқи ишончилигини ҳам мустаҳкамлади.

Натижада, Ўзбекистоннинг янгиланишлар курсига бўлган оғишмас мажбурияти ва фуқаролик институтлари билан стратегик шериклиги аниқ, ўлчанадиган ютуқлар билан тасдиқланиб, таҳлилий далиллар ва тасдиқловчи халқаро кўрсаткичлар орқали ўз ифодасини топмоқда.

Масалан, Ўзбекистон **2017** йилгача **“Heritage Foundation”**нинг **“Иқтисодий эркинлик индекси”**да **184** та мамлакат орасида энг паст кўрсаткичларни қайд этган бўлса, охириги йилларда рейтингда сезиларли илгарилади ва **2025** йилда **100** ўринга кўтарилди⁶⁸.

Фонднинг экспертлари ўтказган таҳлил давомида Ўзбекистонда молиявий эркинлик, инвестицион муҳит индикаторлари бўйича кўрсаткичлар яхшилангани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, мажбурий меҳнатга барҳам бериш, сўз эркинлигини кенгайтириш ва диний эркинликларни таъминлаш борасидаги ислохотлар халқаро ҳуқуқ ҳимоячиларининг эътиборини тортмоқда.

Масалан, **2017** йилдан **Халқаро Меҳнат Ташкилоти** билан тизимли ҳамкорлик асосида мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилгани Ўзбекистонни халқаро майдонда **“мажбурий меҳнатдан озод давлат”** сифатида тан олинишига олиб келди. Ўзбекистон пахтаси **АҚШ Меҳнат департаментининг “Болалар меҳнатида фойдаланиладиган қора маҳсулотлар рўйхати”**дан чиқарилди.

Ўзбекистон **2020** йил **АҚШ Давлат департаментининг “Диний эркинлик” ҳисоботида “Алоҳида хавотир уйғотадиган мамлакатлар”** рўйхатидан чиқарилган бўлса, **2022** йилда **“Алоҳида кузатув рўйхати”**дан ҳам олиб ташланди⁶⁹.

Ахборот очиқлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ва коррупцияга қарши курашиш бошқарув сифатини акс эттирувчи индикаторларда намоён бўлди.

⁶⁸ Индекс экономической свободы. <https://www.heritage.org/index/pages/report>

⁶⁹ <https://kun.uz/kr/news/2020/12/08/aqsh-ozbekistonni-diniy-erkinlik-boyicha-maxsus-kuzatuvdagi-davlatlar-royxatidan-chiqardi?ysclid=mj030sjqv9804756146>

Масалан, “**Transparency International**”нинг “**Коррупцияни идрок этиш индекси**”да Ўзбекистон **2017** йилдан **2024** йилгача сезиларли юқорига кўтарилди, ўнлаб позицияларни яхшилади⁷⁰.

Электрон ҳукуматни ривожлантириш индексида Ўзбекистон **6** поғонага юқорилаб, **193** давлат орасида **63-ўринни** эгаллади. Бошқача айтганда, мамлакат “**юқори**” дан “**жуда юқори**” тоифага ўтган **17 та давлат** қаторидан ўрин олди⁷¹.

Ушбу натижалар давлат органлари, жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтларининг мувофиқлаштирилган ҳамкорлиги, аниқ индикаторлар асосида **амалга оширилган ислохотлар самараси** эканидан далолат бермоқда.

Ўтган йиллар давомида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, гендер тенглик соҳасида амалга оширилган ишлар натижасида бир қатор нуфузли халқаро рейтинг ва баҳолаш индексларида юқори кўрсаткичларга эришилди.

Мисол учун, **Гендер тенглик ва бошқарув индексида 2025** йилга келиб Ўзбекистон **103-ўридан 52** поғонага кўтарилиб, минтақада биринчи ўринни эгаллади⁷².

АҚШдаги Open Data Watch ташкилотининг сўнгги ҳисоботида **Очиқ гендер маълумотлари индексида** Ўзбекистон жаҳондаги энг яхши **20 та** мамлакат қаторидан жой олди⁷³.

Мазкур ижобий ўзгаришлар гендер тенглик, аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар натижаси экани алоҳида эътироф этилмоқда.

Дунёдаги энг кенг қамровли демократия маълумотлар базаси ҳисобланган “**V-Dem**” институти томонидан **2017 йилдан** кейин Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти ташкилотлари фаолиятида фаол эркинлашув жараёни кузатилгани қайд этилди.

⁷⁰ https://www.transparency.org/en/countries/uzbekistan?utm_source=chatgpt.com

⁷¹ <https://yuz.uz/uz/news/107908>, <https://lex.uz/docs/4168749>

⁷² <https://globalgovernanceforum.org/wp-content/uploads/2024/12/Gender-Equality-and-Governance-Index-20242025-A-Critical-Time-for-Women-to-Lead.pdf>

⁷³ <https://uzconsulate-aktau.kz/uz/2024/ўзбекистонда-гендер-сиёсати-инсон-ху/>

ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИНГ ХАЛҚАРО ИНДИКАТОРЛАРДАГИ ИФОДАСИ



Экспертлар таъкидлашича, Ўзбекистонда амалга оширилаётган трансформацион янгиланишлар ва кенг қамровли ислоҳотлар натижасида:

- мамлакатнинг халқаро **рейтинг ва индекслардаги ўрни** йилдан-йилга барқарор мустаҳкамланиб бормоқда;
- халқаро ташкилотлар билан **амалий ва узвий ҳамкорлик** самарали йўлга қўйилди;
- **муаммолар тизимли равишда** ҳал этилиб, барқарор институционал ўзгаришлар амалга оширилди;
- ички ислоҳотлар нафақат маҳаллий, балки халқаро экспертлар томонидан эътироф этилмоқда;
- ички ислоҳотларнинг амалий самараси **халқаро миқёсда ҳам тан олинмоқда.**

1-§. Глобаллашув ва рақамли трансформация шароитида тизимли чақириқлар

Ўзбекистоннинг **дунёга очиқлик сиёсати** ва жаҳон ҳамжамиятига **фаол интеграциялашуви** миллий фуқаролик жамияти институтлари учун илғор халқаро тажрибани ўзлаштириш ва глобал мулоқот майдонларига чиқиш имкониятларини яратди.

Бироқ, бу жараённинг **иккинчи томони** – миллий манфаатлар, маданий ва ижтимоий барқарорликка дахлдор бўлган, гибрид хусусиятга эга **мураккаб хавф-хатарларнинг** кучайишида намоён бўлмоқда. Бугунги **таҳдидларни** қуйидаги концептуал йўналишларда таснифлаш мумкин:

1. Дунёда кузатилаётган геосиёсий қарама-қаршилиқлар шароитида **йирик куч марказлари** ўз сиёсий ва иқтисодий манфаатларини илгари суришда **фуқаролик жамияти институтларидан таъсир ўтказиш воситаси** – “юмшоқ куч” сифатида фойдаланишга уринишмоқда.

Бу эса жамиятда **сунъий ижтимоий қутблашишни** ва **авлодлар ўртасидаги зиддиятни** вужудга келтириш эҳтимолини оширмоқда.

2. Рақамли маконнинг чегарасизлиги ва ахборот алмашинув тезлигининг ортиши **жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш** имкониятларини мисли кўрилмаган даражада кенгайтди.

Хусусан, **дезинформация (фейк) тарқатиш**, фактларга эмас, балки ҳиссиётларга асосланган популистик чиқишлар орқали **аҳоли психологиясини бошқариш тенденцияси** кучаймоқда.

Жамиятда, айниқса ёшлар ўртасида **рационал** ва **танқидий фикрлашнинг пасайиши**, ижтимоий тармоқларда конструктив мулоқот ўрнига агрессив мунозараларнинг кўпайиши кузатилмоқда.

Бунинг оқибатида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларига нисбатан **“ишонч инқирози”** юзага келиши мумкин.

3. Фуқаролик жамияти институтларини молиялаштираётган ташқи донорлар лойиҳаларини миллий стратегик дастурларга мувофиқлаштириш ҳамда уларда белгиланган вазифаларни тўлиқ қамраб олиш ва фуқаролик жамияти институтларининг барқарор фаолиятини таъминлаш учун ички молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш мақсадга мувофиқ.

4. Глобаллашув жараёни миллий ўзига хослик ва қадриятларнинг самарадорлигининг айрим жиҳатларига **салбий таъсир** қилмоқда. Глобал медиа маконида **ўта индивидуализм ва истеъмомчилик** кайфиятига асосланган **ёт моделлар** тарғиб қилинмоқда.

Бунинг натижасида, авлодлар ўртасидаги маънавий узилиш, ёшларда тарихий хотиранинг сусайиши ва жамиятнинг ёт ғояларга қарши маданий иммунитетининг йўқолиш эҳтимоли юзага келмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкин, глобаллашув ва шиддатли рақамли трансформация даври Ўзбекистонга катта имкониятлар билан бирга, миллий манфаатлар ва маънавий ўзликка хавф солувчи тизимли хавф-хатарларни ҳам олиб кирмоқда.

Биринчидан, мазкур ҳолат Ҳукумат учун жиддий синов вазифасини ўтайди, шу боис, ахборот маконидаги гибрид таҳдидларга қарши энг муҳим институтни – миллий фуқаролик жамияти институтларини ҳимоялаш ва мустақкамлаш учун аниқ ва кескин чоралар кўришни талаб қилмоқда.

Бу эса фуқаролик жамияти институтларини халқаро таъсирларнинг **“юмшоқ кучи”га қарши миллий иммунитет** тизимида айлантириш демакдир.

Иккинчидан, соҳанинг молиявий ва ахборот мустақиллигини мустақкамлаш стратегияси комплекс ёндашувни талаб этмоқда.

Бунда асосий эътиборни халқаро ҳамкорлик дастурлари имкониятларидан фойдаланган ҳолда, нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятини **аҳолининг реал эҳтиёжлари** ва мамлакатнинг **стратегик ривожланиш** мақсадлари билан **янада уйғунлаштиришга қаратиш** мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун Фондлар ва грантларнинг асосий эътиборини маҳаллий барқарор молиялаштириш тизими орқали миллий қадриятларга зид бўлмаган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратиш, шунингдек, ёшлар ўртасида **танқидий ва рационал фикрлашни** ривожлантириш муҳимдир.

Учинчидан, рақамли макондаги манипуляция ҳамда дезинформацияга қарши тура олиш учун жамиятнинг **маънавий иммунитетини** ошириш зарур.

Бунда фуқаролик жамияти институтлари миллий ўзига хослик, тарихий хотира ва анъанавий оила қадриятларини ҳимоя қилишда асосий тарғиботчи бўлиши, агрессив популистик қарашларга қарши **конструктив ва маърифий мулоқот майдонларини** яратиши керак. Бу чоралар авлодлар ўртасидаги узвийликни таъминлаб, жамиятнинг ёт ғояларга қарши жипслигини янада мустаҳкамлайди.

Юқорида санаб ўтилган барча тизимли чақириқларга қарши туриш учун давлат ва миллий фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги очиқ ва ишончли ҳамкорликни янада кучайтириш зарурати мавжуд.

Ҳамкорлик миллий манфаатлар устуворлигига асосланиб, Ўзбекистоннинг глобал интеграциясини миллий қадриятлар ва ижтимоий барқарорликка зарар етказмаган ҳолда, муваффақиятли олиб боришини кафолатлайди.

2-§. Стратегик истиқболлар: ривожланишнинг янги модели

Стратегик истиқболда фуқаролик жамияти институтларининг ҳозирги ташаббускорлигини янада тизимлаштириб, уларни давлат сиёсатининг тенг ҳуқуқли ҳамкори даражасига кўтариш лозим.

Ушбу ёндашув фуқаролик жамияти институтларига реал ваколатлар бериш ва уларни ислоҳотларнинг самарадорлигини оширувчи, очиқлик ва қонунийликка асосланган инновацион тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантиради.

Натижада, Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари миллий давлатчилик пойдеворини мустаҳкамлаш, ички барқарорликни таъминлаш ва жамият хавфсизлигининг стратегик кафолатига хизмат қилади.

Жамият тараққиётининг замонавий модели фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаган ҳолда **давлат бошқарувида шаффофлик, ҳисобдорлик ва жамоатчилик назоратини** кучайтиришни талаб этмоқда.

Давлатнинг истиқболдаги устувор мақсади – **“давлат – фуқаролик жамияти – бизнес”** тамойилига асосланган **горизонтал ҳамкорлик моделини** сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишдан иборат бўлиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, **“Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”**нинг қабул қилиниши соҳадаги тизимли ўзгаришлар учун мустаҳкам норматив асос яратади. Мазкур ҳужжат узоқ муддатли **“йўл харитаси”**ни белгилаб бериши билан концепцияни амалга ошириш механизмини кўрсатиб беради.

Соҳадаги ислоҳотлар ва ижобий ўзгаришларни тизимлаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш мақсадида миллий хусусиятларга ва глобал тенденцияларга мос келувчи қўйидаги тавсиялар таклиф этилмоқда.

Тавсиялар б та концептуал йўналишга таянади:

Норматив-ҳуқуқий трансформация ва кодификация

1. Бугунги кунда соҳани тартибга солувчи **200** дан ортиқ қонун ҳужжатларининг мавжудлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли талқинларни келтириб чиқармоқда.

Шу боис, соҳадаги қонунчилик базасини тизимлаштириш мақсадида **янги таҳрирдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Қонун”**ни қабул қилиш.

Мазкур ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг эркин фаолият юритиш, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш имконини беради.

2. **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш. Бунда жамоатчилик назорати субъектлари ва давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини аниқ белгилаш.

Шунингдек, жамоатчилик мониторинги ва жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларига кўра:

– давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари натижасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларни аниқлаш;

– фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келадиган сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши, жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни, жамоатчилик назоратини амалга ошириш таомилларини, жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларни кўриб чиқишнинг аниқ тартиби ва механизмларини белгилаш имконини беради.

Молиявий барқарорликнинг миллий механизмлари

Фуқаролик жамияти институтларини молиялаштиришда фойдаланилмаётган ички ресурсларни сафарбар этиш мақсадида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада кучайтириш механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

1. Давлат органларига республика бюджетидан маблағ ажратишда фуқаролик жамияти институтларига **“давлат ижтимоий буюртмаси”** учун **мажбурий квоталарни** белгилаш орқали ички бозорни шакллантириш ва айрим давлат функцияларини аутсорсинг асосида нодавлат нотижорат ташкилотларига ўтказиш.

Бунда, ижтимоий хизматларни давлатдан нодавлат нотижорат ташкилотларига **аутсорсинг қилиш ҳажмини 2 бараварга** ошириш.

Давлат органлари томонидан ажратиладиган маблағларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни назарда тутиш.

2. **“Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида”**ги қонунни қабул қилиш орқали нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўз-ўзини молиялаштириш даражасини ошириш мақсадга мувофиқ.

3. Фуқаролик жамияти институтларини **давлат гранти** шаклида молиялаштириш тартибини такомиллаштириш, лойиҳаларни тақдим этишда **электрон рейтинг тизимини** ишлаб чиқиш. Бунда, **“Қисқа-ўрта-узоқ”** муддатли лойиҳалар категориясини жорий қилиш.

“Ақл марказлари” (Think Tanks) ва экспертлик дипломатияси

1. Фуқаролик жамияти институтлари айрим ижтимоий вазифалар билан чекланиб қолмаслиги, балки уларни давлат сиёсатида **стратегик фикр, таҳлил ва ижтимоий диагностика манбаига айлантириш**, илмий-таҳлилий марказларнинг **“интеллектуал филтър”** ва **“муқобил стратегиялар генератори”** функцияларини кучайтириш.

Бу нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади ва қабул қилинаётган қарорларнинг ҳаётийлигини оширади.

2. **“Фуқаролик жамияти ривожланиш индекси”** (Civil Society Index) **миллий баҳолаш тизимини** жорий қилиш.

“Маҳалла” институтининг трансформациясини давом эттириш

Маҳалла маъмуриятнинг қуйи бўғини эмас, фуқаролик жамиятининг илк ва энг муҳим институционал ячейкаси сифатида ривожланиши зарур. У **бюджет жараёнларида** иштирок этиш, **инфратузилмани бошқариш** ва **маҳаллаларда ижтимоий шерикликни таъминлашда** фаол субъектга айланиши керак.

ННТларнинг ижтимоий хизматлар сифати ҳамда мутахассислар тайёрлаш тизимини яхшилаш

1. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий инновациялар ва грант менежментидаги рақобатбардошлигини ошириш орқали ижтимоий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш.

Бунда, ходимлар учун **стратегик менежмент, хавфларни бошқариш ва халқаро молиялаштириш меъёрларига** оид дастурлар ишлаб чиқишни назарда тутиш.

2. Олий таълим муассасаларида фуқаролик жамияти институтлари соҳасини ўз ичига олувчи таълим йўналишини ишлаб чиқиш ҳамда мазкур йўналишда **мутахассис тайёрлаш тизимини** йўлга қўйиш.

Ахборотнинг ишончилигини таъминлаш ва медиа масъулиятини кучайтириш

1. Жамиятда профессионал журналистикага бўлган ишончни мустаҳкамлаш, ахборот майдонида дезинформация ва манипуляцияни олдини олиш мақсадида **“миллий фактчекнинг стандартлари”**ни ишлаб чиқиш. Бунда ахборот манбаларининг ишончилигини баҳолаш мезонлари, текшириш усулларини бирлаштирган **ягона методик базани** яратишни назарда тутиш.

2. Ёшларнинг ахборот муҳитини соғломлаштириш мақсадида **“Миллий контент грантлари”** дастурини жорий этиш, миллий қадриятлар, маърифат ва маънавиятни тарғиб қилувчи лойиҳаларни давлат грантлари ва солиқ имтиёзлари орқали қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий тармоқлардаги ижобий контентларни рағбатлантириш.

Умуман, замонавий таҳдидлар, глобал рақобат ва ахборот хуружлари шароитида Ўзбекистон учун ривожланишнинг янги йўналишлари – фаол фуқаро, кучли жамият ва ҳисобдор давлат ўртасидаги мувозанатли шерикликка асосланади.

Ушбу тавсиялар Ўзбекистонда сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашга, ижтимоий муаммоларни манзилли ва самарали ҳал этишга хизмат қилади.

Бу ўз навбатида, давлат ва халқ ўртасидаги ишончни ошириб, Ўзбекистоннинг қонун устуворлиги ва фуқаролик жамияти ривожини бўйича халқаро рейтинглардаги ўрнини янада юксалтиришга замин яратади.

ХУЛОСА

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли конституциявий ислохотлар жараёнида фуқаролик жамияти институтларига, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига **таянч устун сифатида қаралмоқда.**

Фуқаролик жамиятининг устуворлиги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланиб, унинг ҳуқуқий ва институционал асослари мустаҳкамланмоқда. Бу ўзгаришлар нафақат демократик қадриятларни чуқурлаштиришга, балки **давлат ва жамият ўртасидаги мустаҳкам шерикликни** шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва маҳалла институтлари каби фуқаролик жамиятининг асосий иштирокчилари давлат томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш тизимидан фойдаланмоқда. Ушбу тизим ҳуқуқий кафолатлар, молиявий механизмлар (грантлар, субсидиялар ва ижтимоий буюртма) ва ташкилий кўмак орқали уларнинг **фаолияти самарадорлигини оширмоқда.**

Молиявий шериклик механизмларини кенгайтириш, айниқса, ижтимоий буюртма тизимининг ривожланиши давлат маблағларини жамият манфаатлари йўлида тўғри йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий-иқтисодий **ислохотларнинг фаол ҳамкори сифатида майдонга чиқмоқда.**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳаллалар давлат дастурларини, жумладан, ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда бевосита иштирок этиб, **ислохотларнинг халқчиллигини таъминлашда** ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Бу жараён аҳолининг энг қуйи бўғиндаги муаммоларини ҳал этиш ва ислохотлар натижасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис қилиши учун шароит яратмоқда.

Шу билан бирга, **жамоатчилик назорати механизмларининг кучайиши** давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик журналистикаси давлат органлари фаолиятини ёритиш, камчиликларни кўрсатиш ва жамоатчилик фикрини шакллантириш орқали **самарали назоратчи вазифасини бажармоқда**. Бу эса давлат органларининг масъулиятини оширишга ва аҳолига яқин бўлишига туртки бермоқда.

Фуқаролик жамияти институтларининг халқаро платформалардаги иштироки ва хорижий донорлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалари мамлакатнинг **ижобий имижини юксалтиришга** хизмат қилмоқда. Тизимли ислоҳотлар самарасининг халқаро индикаторлардаги ифодаси **Ўзбекистондаги ўзгаришларнинг глобал миқёсда эътироф этилаётганидан** далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023.
- 2.** Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни, 223–XII-сон, 15.02.1991.
- 3.** Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 402–I-сон, 24.04.1997.
- 4.** Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ– 76-сон, 03.01.2007.
- 5.** Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири), ЎРҚ– 78-сон, 15.01.2007.
- 6.** Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири), ЎРҚ–350-сон, 22.04.2013.
- 7.** Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ–369-сон, 05.05.2014.
- 8.** Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ–376-сон, 25.09.2014.
- 9.** Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун, ЎРҚ–474-сон, 12.04.2018.
- 10.** Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ–1011-сон, 24.12.2024.
- 11.** Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент. 2021.
- 12.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномалари.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқаро конгресс марказида бюрократияни бартараф этиш масалаларига бағишланган халқаро форумнинг тантанали очилиш маросимидаги нутқи.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, ПФ–4947-сон, 07.02.2017.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, ПФ–5430-сон, 04.05.2018.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, ПФ–5635-сон, 17.01.2019.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, ПФ–6181-сон, 04.03.2021.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, ПФ–209-сон, 21.12.2023.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, ПФ–60-сон, 28.01.2022.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон–2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони, ПФ–158-сон, 11.09.2023.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, ПФ–124-сон, 26.08.2024.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори, ПҚ–3737-сон, 24.05.2018.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан ижтимоий фойдали дастурлар ва лойиҳалар амалга оширилишида ижтимоий шериклик ҳамда халқаро ҳамкорликни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 527-сон, 04.10.2023.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котибининг Telegramдаги саҳифаси.

26. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали маълумотлари.

27. “Менинг фикрим” жамоавий мурожаатлар портали маълумотлари.

28. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маълумотлари.

29. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълумотлари.

30. Transparency International халқаро ташкилоти маълумотлари.

31. “Heritage” халқаро ташкилоти маълумотлари.

32. Kun.uz ахборот агентлиги маълумотлари.

33. “Янги Ўзбекистон” газетаси маълумотлари.

34. “The Tashkent Times” газетаси маълумотлари.

35. Uz Daily интернет нашри маълумотлари.

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҲОЛАТИ
ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА
МАЪРУЗА**

Ахборот таҳлилий маълумот

Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази, 2025 йил, 100 б.

ЛОЙИҲА РАҲБАРИ:

А.Пардаев

ТУЗУВЧИЛАР:

**Ж.Дўстмуродов, Т.Каримов, И.Сайдуллаев, К.Султанов,
Б.Абдуллаев, И.Джураев.**

©Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази, 2025 й.



Демократик жараёнларни
таҳлил қилиш маркази